

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

## ИҚТИСОДИЁТ

йўналиши

“АМАЛИЙ ЭКОНОМЕТРИКА”

модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2016

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва  
дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: ТДИУ профессори Шодиев Т.Ш.

Тақризчи : Qi Ju Zhu (Хитой)

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2016 йил  
даги \_\_-сонли қарори билан тасдиқка тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

I. Ишчи дастур .....	3
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари ....	8
III. Назарий материаллар .....	16
IV. Амалий машғулот материаллари.....	56
V. Кейслар банки.....	65
VI. Мустақил таълим мавзулари.....	73
VII. Глоссарий .....	75
VIII. Адабиётлар рўйхати .....	89

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ҳамда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва карор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илфор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

#### “Амалий эконометрика” модулининг мақсади:

педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

#### “Амалий эконометрика” вазифалари:

- Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Амалий эконометрика” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- макроиктисодий сиёsat ва барқарор иқтисодий ўсиш стратегияларининг илмий-амалий асосларини;
- эконометрик усуллар ва моделлар турларини, жумладан, тизимли дастурлар пакетларини;
- барқарор иқтисодий ўсиш индикаторларини прогнозлаш усуллари ва моделларини;
- иқтисодиётнинг инновацион тараққиётининг илмий-амалий асосларини **билиши** керак.

### **Тингловчи:**

- макроиктисодий индикаторларни прогнозлаш;
- эконометрик моделлар ёрдамида барқарор иқтисодий ўсиш омилларини аниқлаш;
- миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва инновацион тараққиёti қонуниятларини билишга таяниб, иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш;
- макроиктисодий кўрсаткичлар асосида иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш каби **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда иқтисодий қонунлар, илмий тушунчаларни (категорияларни) қарорлар қабул қилишда фойдаланиш;
- иқтисодий жараёнларни амалий эконометрик таҳлил қилиш;
- инновацион ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилишда эконометрик моделлар тизимида фойдаланиш;
- иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда маҳсус компьютер дастурларидан фойдаланишга оид **малакаларига** эга бўлиши зарур.

## **Тингловчи:**

- жаҳондаги ижтимоий-иктисодий жараёнларни чуқур таҳлил этиш ва олинган хулосаларни кенг жамоатчиликка тушунтириб бериш ҳамда иктиносидёт соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- макроиктисодий кўрсаткичларни тизимли равишда таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;
- эконометрик таҳлиллар асосида тармоқлар ва корхоналарнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- тузилган эконометрик моделларни тармоқлар ва корхоналар фаолиятига қўллай олиш;
- тизимли таҳлил асосида оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- тармоқлар ва корхоналар иктиносидий ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- реал сектор тармоқлари ва корхоналарининг фаолиятини таҳлил қилиш ва уларни ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш, корхоналарни инновацион ва стратегик ривожлантириш сценарийларини ишлаб чиқиши компетенциясига эга бўлиши зарур.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Амалий эконометрика” курси маъruzа ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Макроиктисодий сиёsat ва барқарор иктиносидий ўсиш”, “Тизимли таҳлил усуллари” ва “Иктиносидётнинг инновацион тараққиёти” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умуммутахассислик бўйича тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий эконометрик моделларни тузиш ва қўллашдаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш ҳамда оптимал қарорлар қабул қилиш ва прогнозлашга доир умуммутахассислик компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Муегакиц таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий	Машғулот			
1.	Амалий эконометрика фанининг предмети, методи ҳамда тадқиқот усуллари	4	6	2	4		-		
2.	Эконометрик моделларни тузиш, баҳолаш ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш	12	10	4	6		-		
3.	Ишлаб чиқариш функциялари. Прогнозлашда эконометрик моделлардан фойдаланиш	10	8	4	4				
	<b>Жами:</b>	28	24	10	14		4		

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-мавзу: Амалий эконометрика фанининг предмети, методи ҳамда тадқиқот усуллари**

Эконометрик моделлаштиришнинг назарий асослари, иқтисодиётда эконометрик моделлаштиришнинг зарурлиги, эконометрик модель тушунчаси, турлари ва ундаги ўзгарувчилар, эконометрик моделлаштириш босқичлари.

### **2-мавзу: Эконометрик моделларни тузиш, баҳолаш ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш**

Иқтисодий-ижтимоий жараёнларда боғликлар турларини ўрганиш, корреляция коэффициентининг турлари ва ҳисоблаш усуллари, чизиқли ва чизиқсиз регрессион боғланишлар, корреляцион-регрессион таҳлилда “энг кичик квадратлар” усулининг қўлланилиши.

### **3-мавзу: Ишлаб чиқариш функциялари. Прогнозлашда эконометрик моделлардан фойдаланиш**

Ишлаб чиқариш функциялари. Кобба-Дуглас функцияси. Ишлаб чиқариш функцияси характеристикалари, чизиқли ва чизиқсиз кўп омили иқтисодий боғланишлар, умумлаштирилган ва бевосита “энг кичик квадратлар усули”, эконометрик модель параметрларининг иқтисодий таҳлили ва эластиклик коэффициентларини ҳисоблаш, эконометрик моделларни баҳолаш, вақтли қаторлар ва уларни прогнозлаш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **Амалий эконометрика фанининг предмети, методи ҳамда тадқиқот усуллари**

Эконометрик моделлаштиришнинг назарий асослари, иқтисодиётда эконометрик моделлаштиришнинг зарурлиги, эконометрик модель тушунчаси, турлари ва ундаги ўзгарувчилар, эконометрик моделлаштириш босқичлари.

### **2-амалий машғулот:**

#### **Эконометрик моделларни тузиш, баҳолаш ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш**

Иқтисодий-ижтимоий жараёнларда боғликлар турларини ўрганиш, корреляция коэффициентининг турлари ва ҳисоблаш усуллари, чизиқли ва чизиқсиз регрессион боғланишлар, корреляцион-регрессион таҳлилда “энг кичик квадратлар” усулининг қўлланилиши.

### **3-амалий машғулот мавзуси:**

#### **Ишлаб чиқариш функциялари. Прогнозлашда эконометрик моделлардан фойдаланиш**

Ишлаб чиқариш функциялари. Кобба-Дуглас функцияси. Ишлаб чиқариш функцияси характеристикалари, чизиқли ва чизиқсиз кўп омилли иқтисодий боғланишлар, умумлаштирилган ва бевосита “энг кичик квадратлар усули”, эконометрик модель параметрларининг иқтисодий таҳлили ва эластиклик коэффициентларини ҳисоблаш, эконометрик моделларни баҳолаш, вақтли қаторлар ва уларни прогнозлаш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- давра сухбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш;
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшлиши ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАҲЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



### “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯхлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуу якунланади.

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stady» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.</li> </ul>

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мавзуни мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухли тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр:** “**Полиморфизим – объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий тамойилларидан биридир**”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиликнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топширикларни киритиш мумкин.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш

мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиштилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+”бу маълумот мен учун янгилик.			
“_” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

**“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

## **Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”**

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Activity	илованинг бирорта ойнасини (интерфейс) бошқарувчи Java кенгайтмали файл	
adb (Android Debug Bridge)	SDK орқали иловани ишга тушурувчи дастур	
SDK (Software Development Kit)	андроид учун кутубхона	
JDK (Java Development Kit)	Java дастурлаш тили учун кутубхона	
Layout Resource	илова ойналарининг қўринишини сакловчи XML файл	
Manifest File	илова учун керакли барча маълумотларни XML файл (мисол учун: илова номи, интент фильтрлар, интернетга боғланиш)	
Service	илова орти хизматлар яратиш учун синф	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### **Веин Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишиган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, қўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишиган қисмига ёзадилар.

### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнимкамларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан

материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инглиз. Briefing - қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

#### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади.

### **“Портфолио” методи**

“Портфолио” – (итал. Portfolio - портфель, ингл. ҳужжатлар учун папка) таълим ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурүхий
Таълимий фаолият	Бити्रувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқалар.	Тингловчилар гурүхи портфолиоси ва бошқалар.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқалар.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу Амалий эконометрика фанининг предмети, методи ҳамда тадқиқот усуллари Режа**

- 1.1. Эконометрик моделлаштиришнинг назарий асослари**
- 1.2. Иқтисодиётда эконометрик моделлаштиришнинг зарурлиги.**
- 1.3. Эконометрик модель тушунчаси, турлари ва ундаги ўзгарувчилар.**
- 1.4. Эконометрик моделлаштириш босқичлари.**

**Таянч иборалар:** Эконометрик моделлаштириши асослари. Эконометрик моделлардаги ўзгарувчилар. Эконометрик тенгламалар тизими. Эндоғен ва экзоген омиллар. Эконометрик моделларни тузишга бўлган талаблар. Ковариация коэффициенти ва уни ҳисоблаш усули. Корреляция коэффициентини ҳисоблаш услуги ва ўзгариш интерваллари. Корреляция коэффициенти аҳамиятини Стъюдент мезони бўйича баҳолаш.

#### **1.1. Эконометрик моделлаштиришнинг назарий асослари**

“Ушбу китобнинг мақсади ўқувчини марказий ғоя ва эконометрик назария техникасини билан тўлиқ таъминлаш, шунингдек, эмпирик лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган барча воситаларни беришdir<sup>1</sup>.

Биринчи навбатда, китоб матнида тақдим этилган назарияларни тушуниришда эконометрика назарияси билан боғлиқ чукур таҳлилий ва соддалаштирилган ёндашувларни кўрсатиб беради. Эконометрикада математикадан фойдаланиш амалий жиҳатдан муқаррар бўлган ҳолда, китоб янада пухта тушуниш учун математикадан фойдаланишни афзал кўрувчилар билан бир қаторда мустаҳкам математик билимга эга бўлмаган ўқувчилар учун ҳам мўлжалланган. Мақсадга эришиш учун, китоб иккита алоҳида бўлимларда талаб асосида фанга умумий ва математик амаллар орқали ёндашувни таъминлайди. Шундай қилиб, математик амаллар ва далиллар билан банд бўлишни истамайдиган ўқувчи ҳар бир мавзунинг математик таҳлилларини ўтказиб юбориб, матн узлуксизлигига таъсир қилмаган ҳолда умумий ёндашув асосида фойдалана олади. Шу билан бирга ҳар бир мавзуни математик таҳлил қилиб ўрганишни хоҳловчилар учун ҳар қайси бобда тегишли бўлимларни ўрганиш имкони мавжуд. Бу имкониятдан фойдаланиб, аҳамиятга эга бўлган ҳолларда баъзи масалалар маълумотларини матрицалар алгебраси усулидан фойдаланиб, чукур таҳлил қилиш мумкин ва айни пайтда бу ўтказилган таҳлилларнинг асосий қисми матрицалар алгебраси курсини ўрганмаганларга ҳам тушунарли бўлиши учун соддалаштирилган усулларда тақдим этилади.

Матнда математикадан фойдаланишнинг яна бир аҳамиятли хусусияти ўқувчини бир тенгламадан бошқасига ўтказишида талаб қилинадиган барча ҳисоблаш амаллари билан таъминлаш ва муҳим тенгламаларни ечиш учун

<sup>1</sup>Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. xxiii-xxiv pp.

ишлатиладиган математик усулларни тушунтиришдан иборат. Шундай қилиб, математикадан унча чуқур билимга эга бўлмаган ўқувчилар учун ҳам баъзи бир математик далиллар тушунарли тарзда ифодалангани сабабли уларнинг билимларини кенгайтиришдан ихлоси қайтмайди.

Амалий эконометрика нуқтаи назаридан, китоб икки жиҳатдан инновацион хусусиятга эгадир: (а) барча статистик тестлар кенг кўламда аналитик тарзда (босқичма-босқич) тақдим этилган, (б) ҳар бир тест тақдимотидан сўнг тестнинг EViews ва Microfit эконометрик моделлаштириш дастурлари ёрдамида ечилиши тушунтириб берилган. Бу китобнинг энг аҳамиятли жиҳатидир. Китобхонлар реал маълумотлар ёрдамида тавсия этилган услубларни кўллашда фойдаланади. Бундай ёндашув бизнинг кўп йиллик ўқитиши тажрибамиизда эконометрика фани талабалар учун ўта мураккаблиги кузатилгани натижасида пайдо бўлиб, соддароқ қилиб айтганда, талабалар реал маълумотлардан натижа олиш ва хулоса чиқариш учун, уларни тушунтира олиш қобилиятига эга бўлганларидағина фаннинг нақадар жозибадорлигини англай оладилар. Амалий эконометрик таҳлиллар эконометrikанинг моҳиятини ифодалайди ва EViews ва Microfit эконометрик моделлаштириш дастурларини қўллаш эконометrikани тушунарли ва ёқимли ҳамда фанни ўрганиш жараёнини жозибадор қилиб кўрсатади. EViews ва Microfit эконометрик дастурларини ишлатишда бошланғич маълумотга эҳтиёжи бўлган ўқувчилар китобни энг сўнгги амалий масалаларни таҳлил қилувчи бўлимдан бошлаб ўрганиши мақсадга мувофиқдир.

Бу китоб бошланғич даражада бўлиб, бакалавр талабалари учун тавсия этилиши билан бир қаторда магистр ва изланувчиларнинг амалий ишларида MS Project дастурларига ёрдамчи восита бўлиб хизмат қиласи”.

**“Эконометрика нима?** Эконометrikани ўрганиш иқтисодиётга оид ҳар қандай фаннинг асосий моҳиятини белгилайди ва у ҳар бир иқтисодчининг саводли бўлишини таъминлайди дейиш муболага бўлмайди. Бунинг сабаби, ҳозирги кунда амалий иқтисодиётнинг аҳамияти узлуксиз равишда ортиб бориши ҳамда миқдорий ҳисоблаш ва иқтисодий назариялар ва гипотезаларни баҳолаш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ заруратга айланиб боришидадир. Назарий иқтисодиётта кўра икки ва ундан ортиқ ўзгарувчи орасида боғлиқлик мавжуд бўлса, амалий иқтисодиёт кундалик ҳаётий вазиятларда бу боғлиқликнинг далилини талаб қиласи. Реал кўрсаткичларни қўллаб иқтисодий боғлиқликни ҳисоблаш усулларини ўргатувчи фан эконометrikадир”<sup>1</sup>.

**Эконометрика=экономика+метрика.** Эконометрик моделлаш иқтисодий кўрсаткичларни ўзгариш қонуниятларини, тенденцияларни аниқлаш натижасида эконометрик моделлар ёрдамида иқтисодий жараёнларни ривожланиш ва прогнозлаш йўлларини белгилайди.

Иқтисодий маълумотлар динамик қатор ёки динамик устун кўринишида тузилади, яъни улар вақт бўйича ўзгарадилар. Кузатувлар сони омиллар сонидан 4-5 марта кўпроқ бўлиши керак.

---

<sup>1</sup> Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. –p.2.

**Эконометрикани асосий мақсади** – омиллараро боғланишларни, ўзгариш қонуниятларни ва тенденцияларни ўрганиш ҳисобланади<sup>1</sup>.

## **Иқтисодий маълумотларнинг статистик табиати**

Иқтисодий жараёнларни вақт давомида ўзгаришини ўрганиш мухим аҳамиятга эга. Чунки барча иқтисодий жараёнлар ва ҳодисалар вақт давомида ўзгарувчан бўлади. Иқтисодиётда барча иқтисодий жараёнларни иқтисодий-статистик моделлар орқали ўрганиш натижасида у ёки бу иқтисодий кўрсаткичнинг ҳозирги ҳолати ва келажакдаги ўзгаришини илмий асосда таҳлил қилиш ва прогнозлаш мумкин бўлади.

Иқтисодий-статистик моделлаштириш усули - бозор иқтисодиёти субъектларининг иқтисодий фаолияти таҳлили ва режалаштиришни такомиллаштиришга қаратилган тадбирлардан биридир.

Иқтисодий-статистик моделлаштириш иқтисодий кўрсаткичлар ва ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги алоқалар ўз моҳиятига кўра стохастик бўлган асосга таянади.

Иқтисодий субъектлар фаолиятини статистик моделлаштириш замон ва маконда уларнинг ривожланиш жараёнини ўрганишда асосий ўрин эгаллайди. Бу моделлар ишлаб чиқариш тенденциялари ва қонуниятларини аниқлаш учун мослашгандир.

Хатто энг такомиллашган статистик модел ҳам иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг бутун алоқадорлигини қамраб олишга қодир эмас. Шунга кўра, иқтисодий таҳлил ва иқтисодий-статистик моделлаштиришни қўллашда ҳар доим ноаниқлик элементлари мавжуд бўлади. Одатда, иқтисодий-статистик моделлаштиришни қўллаш самарадорлигининг асосий шартларидан бири, унинг реал кўриниш ва жараёнга айнан мос келиши ҳисобланади.

Иқтисодий-статистик моделлаштиришни ноаниқ бўлишилигининг сабаблари қуйидаги ҳолларда содир бўлиши мумкин:

1. Ахборотли – ахборотнинг хатолиги, унинг кўрсаткичлари, омиллар ва обьектлар мажмуининг ноаниқлиги.
2. Таркибий – аниқланмаган хилма-хилликларнинг мавжудлиги.
3. Моделли – кўрсаткичлар ва далиллар ўртасида боғланиш шаклларидан нотўғри фойдаланиш.

Иқтисодий-статистик кузатувлар олиб борилганда, техник-иқтисодий кўрсаткичлар кўринишидаги, материаллар оқимидағи ахборотларга дуч келамиз. Шу нуқтаи назардан, ишлаб чиқаришга - кириш ахборотини, чиқиш ахборотига ўзгартиргич сифатида қаралади.

<sup>1</sup>Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. –p.2.

## **Боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган ўзгарувчиларни танлаш**

Ҳодисалар орасидаги ўзаро боғланишларни ўрганиш эконометрика фанининг муҳим вазифасидир. Бу жараёнда икки хил белгилар ёки қўрсаткичлар иштирок этади, бири эркли ўзгарувчилар, иккинчиси эрксиз ўзгарувчилар ҳисобланади. Биринчи тоифадаги белгилар бошқаларига таъсир этади, уларнинг ўзгаришига сабабчи бўлади. Шунинг учун улар омил белгилар деб юритилади, иккинчи тоифадагилар эса натижавий белгилар дейилади. Масалан, пахта ёки дон етиштиришда ишчи кучи, сув, минерал ўғитлар ва ишлов бериш натижасида уларнинг ҳосилдорлиги ошади. Бу боғланишда ҳосилдорлик натижавий белги, унга таъсир этувчи кучлар (сув, ўғит, ишлов бериш ва ҳ.к.) омил белгилардир.

Омилларнинг ҳар бир қийматига турли шароитларда натижавий белгининг ҳар хил қийматлари мос келадиган боғланиш корреляцион боғланиш ёки муносабат дейилади. Корреляцион боғланишнинг характерли хусусияти шундан иборатки, бунда омилларнинг тўлиқ сони номаълумдир. Шунинг учун бундай боғланишлар тўлиқсиз ҳисобланади ва уларни формулалар орқали тақрибан ифодалаш мумкин, холос.

Умумий ҳолда қаралса, корреляцион муносабатда эркин ўзгарувчи  $X$  белгининг ҳар бир қийматига ( $x_i, i = \overline{1, k}$ ) эрксиз ўзгарувчи  $Y$  белгининг ( $y_j, j = \overline{1, s}$ ) тақсимоти мос келади. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳолда иккинчи  $Y$  белгининг ҳар бир қиймати ( $y_j$ ) ҳам биринчи  $X$  белгининг ( $x_i$ ) тақсимоти билан характерланади. Агар тўплам ҳажми катта бўлса, белги  $X$  ва  $Y$  ларнинг жуфт қийматлари  $x_i$  ва  $y_j$  ҳам кўп бўлади ва улардан айримлари тез-тез такрорланиши мумкин. Бу ҳолда корреляцион боғланиш комбинацион жадвал (корреляция тўри) шаклида тасвирланади.<sup>1</sup>

### **Эконометрик моделларни тузишда қатнашадиган иқтисодий маълумотларга қўйиладиган талаблар**

Корреляцион ва регрессион таҳлилни қўллаш вақтида, омилларни танлаб олиш ва улардан моделларда фойдаланиш ҳамда баҳолашдаги асосий қоидалар қўйидагилардан иборат:

1. Омилларни ўрганиш билан қамраб олинадиган рўйхат чегараланган, омиллар эса назарий асосланган бўлиши лозим.
2. Моделга киритилган барча омиллар миқдорий ўзгаришларга эга бўлиши керак.
3. Тадқиқ қилинаётган тўплам сифатли бир жинсли бўлиши лозим.
4. Омиллар ўзаро функционал боғланмасликлари шарт.
5. Келажакда омиллар ўзаро таъсирини экстраполяция қилиш учун моделлардан фойдаланилаётган вақтда характер жиддий ўзгармаслиги, статистик мустаҳкам ва барқарор бўлиши лозим.

---

<sup>1</sup>Econometrics Streamlined, Applied and e-Aware Francis X. Diebold University of Pennsylvania Edition 2016 Version Thursday 17th March, 2016. –p. 75.

6. Регрессион таҳлилда ҳар бир омилнинг ( $x$ ) қийматига бир хил регрессияли натижавий ўзгарувчи ( $y$ ) тақсимоти нормал ёки унга яқин даражада мос келиш лозим.

7. Ўрганилаётган омиллар тадқиқ этилган, натижавий кўрсаткичли, мантиқан даврий бўлиши лозим.

8. Натижавий кўрсаткичга жиддий таъсир кўрсатадиган фақат муҳим омиллар таъсирини кўриб чиқиш лозим.

9. Регрессия тенгламаларига киритилган омиллар сони катта бўлмаслиги лозим. Чунки, омиллар сонининг катта бўлиши, асосий омиллардан четга олиб келиши мумкин. Омиллар сони қузатишлар сонидан тўрт марта кам бўлиши керак.

10. Регрессия тенгламасининг омиллари турли хил хатолар таъсирида бузилишга олиб келадиган хатоликлар бўлмаслиги керак. Омиллар ўртасида функционал ёки шунга яқин боғланишларнинг мавжудлиги - мультиколлинеарлик борлигини кўрсатади.

11. Кузатувлар сонини ошириш учун уларнинг маконда тақрорланишидан фойдаланиш мумкин эмас. Маконда ҳодисаларнинг ўзгариши авторегрессияни вужудга келтириши мумкин. Авторегрессия эса статистикадаги мавжуд ўзгарувчилар ўртасидаги боғланишни маълум даражада бузади. Шунинг учун кўрсаткичлар динамик қаторларида регрессион боғланишни ўрганиш, статистикадаги боғланишни ўрганишдан тубдан фарқ қиласди.

12. Ҳар бир омил бўйича тақсимот нормал тақсимотга эга бўлиши шарт эмас. Бу регрессион таҳлилни натижавий, аломатли қиймат ва тасодифсиз қийматли омиллар ўртасидаги боғланишни ифодаловчи сифатида келиб чиқади.

13. Омилларни натурал бирликда ўлчашда нисбий қийматларга нисбатан ортиқроқ қўриш лозим. Нисбий қийматлар ўртасидаги корреляция, регрессия тенгламаси параметрлари қиймати боғланиш мазмунини бузиши мумкин. Чунки бу ҳолда функцияни омиллар ўртасидаги боғланишни ифодаловчи сифатида таърифлашдан келиб чиқади.

Эконометрик усуллар оддий анъанавий усулларни инкор этмасдан, балки уларни янада ривожлантиришга ва объектив ўзгарувчан натижа кўрсаткичларини бошқа кўрсаткичлар орқали муайян таҳлил қилишга ёрдам беради. Эконометрик усулларнинг ва компьютерларнинг миллий иқтисодиётни бошқаришда афзалликларидан бири шундаки, улар ёрдамида моделлаштирувчи объектга омилларнинг таъсирини, натижавий кўрсаткичга ресурсларнинг ўзаро муносабатларини кўрсатиш мумкин. Бу эса ўнлаб тармоқлар ва минглаб корхоналарда ишлаб чиқариш натижалари ва миллий иқтисодиётнинг илмий асосда прогнозлаш ва бошқаришга имкон беради.

“Иқтисодий маълумотлар мажмуи турли шаклларда берилган. Баъзи эконометрик усуллар турли хил маълумотлар мажмууда тўғридан-тўғри қўлланилса, бошқаларининг алоҳида жиҳатланини ўрганиш талаб қилинади. Кейинги бўлимда амалий эконометрик ишларда учрайдиган энг муҳим маълумотлар мажмуи ўрганилади”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Dimitrios Asteiou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. –p.8.

## **Күндаланг кесимли маълумотлар**

Күндаланг кесимли маълумотлар мажмуи муайян давр ичида шахслар, муассасалар, фирмалар, мамлакатлар, вилоятлар, шаҳарлар каби ҳар қандай уюшма маълумотларини ўз ичига олади. Баъзи ҳолларда барча бўлимлар ўртасидаги маълумотлар айнан бир вақт ичида жамланган бўлмаслиги мумкин. Бир ой вақт мобайнида ҳар хил вақт ичида турли хил оиласардан йифилган сўровнома шаклидаги маълумотлар мажмуини фараз қиласлил. Бу ҳолда маълумот тўплашдаги асосий вақт фарқини ахамиятга олмай, маълумотларни кўндаланг кесимли деб қабул қилиш мумкин.

Эконометрикада кўндаланг кесимли ўзгарувчилар  $i$  индекси билан ифодаланиб, бунда  $i = 1, 2, 3, \dots, N$  нинг қийматини ифодалаб,  $N$  кўндаланг кесимни ифодалайди.

Шундай қилиб,  $Y_i$   $N$  миқдордаги шахслар томонидан тўпланган фойдани ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, кўндаланг кесимли

$$Y_i \text{ учун } i = 1, 2, 3, \dots, N \text{ билан ифодаланади.}$$

## **Вақтли қаторлар маълумотлари**

Вақтли қаторлар маълумотлар мажмуи белгиланган вақт мобайнида бир ёки бир неча ўзгарувчиларни кузатишдан иборат. Шунга кўра, вақтли қаторлар маълумотлари хронологик тартибда жойлашган ва турли хил вақт частотасига эга бўлиб, хусусан йиллик, йиллик, чораклик, ойлик, ҳафталик, қунлик ва соатлик каби турли хил вақт ифодасида бўлиши мумкин. Вақтли қаторлар маълумотларига бир қатор мисоллар келтириш мумкин ва улар орасида акциялар нархлари, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), пул таъминотини, музқаймоқ сотиши қўрсаткичларини кўриш мумкин.

Вақтли қаторлар маълумотлари  $t$  индекси билан ифодаланади. Бунга кўра,  $Y$  1990 йилдан 2002 йилгача мамлакат ЯММни кўрсатса, буни:

$$Y_t \text{ учун } t = 1, 2, 3, \dots, T$$

деб ифодалаймиз. Бунда 1990 учун  $t = 1$ , 2002 учун  $t = T = 13$ .

## **Панел маълумотлар**

Панел маълумотлари ҳар қайси кўндаланг кесимли маълумотлар мажмууда вақтли қаторлар маълумотларини ўз ичига олган маълумотлар мажмуасидан ташкил топади. Мисол тариқасида 50 та фирмада 5 йил мuddат мобайнида савдо-сотиқ ва ходимлар нисбатини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга панел маълумотлари географик асосда олиниши мумкин; масалан 20 та мамлакатда 20 йил мобайнидаги ЯИМ ва пул таъминоти нисбатини олиш мумкин.<sup>1</sup>

Панел маълумотлари аввал кўндаланг кесимли маълумотлар ва вақтли қаторлар маълумотлар учун мос равишда ишлатилган  $i$  ва  $t$  индексларнинг ҳар иккаласи орқали ифодаланади. Бунинг сабаби оддий бўлиб, панел маълумотлари кўндаланг кесимли ва вақтли қаторлар маълумотларининг ўлчамларидан иборатdir. Шунга кўра: ЯИМни мамлакатлар ва белгиланган вақт нисбатлари

<sup>1</sup>Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. -p.9.

учун қуидаги ифодалаймиз:

$$Y_{it} \text{ учун } t = 1, 2, 3, \dots, T \text{ ва } i = 1, 2, 3, \dots, N \quad (2.3)$$

Янада тушунарлироқ бўлиши учун, панел маълумотлари структурасида кўндаланг кесимли ва вақтли қаторлар маълумотларининг ўзгарувчилари мос равишда  $N \times 1$  ва  $T \times 1$  матрицаларидан иборат деб ифодаланади:

$$Y_t^{АРГЕНТИНА} = \begin{pmatrix} Y_{1990} \\ Y_{1991} \\ Y_{1992} \\ \vdots \\ \vdots \\ Y_{2002} \end{pmatrix}; \quad Y_i^{1990} = \begin{pmatrix} Y_{АРГЕНТИНА} \\ Y_{БРАЗИЛИЯ} \\ Y_{ПАРАГВАЙ} \\ \vdots \\ \vdots \\ Y_{ВЕНЕСУЭЛА} \end{pmatrix} \quad (2.4)$$

Бунда:  $Y_t^{АРГЕНТИНА}$  1990 дан 2002 гача давр ичидаи Аргентинанинг ЯИМи бўлиб,  $Y_i^{1990}$  Лотин Американинг 20 та турли мамлакатларининг 1990 йилги ЯИМи.

$Y_{it}$  билан ифодаланган ўзгарувчи панел маълумоти бўлиб, қуидаги формуланинг  $N \times T$  матрицаси бўлади:

$$Y_{it} = \begin{pmatrix} Y_{APG,1990} & Y_{BPA,1990} & Y_{BEH,1990} \\ Y_{APG,1991} & Y_{BPA,1991} & Y_{BEH,1991} \\ \vdots & \vdots & \vdots \\ Y_{APG,2002} & Y_{BPA,2002} & Y_{BEH,2002} \end{pmatrix} \quad (2.5)$$

Бунда  $t$  вертикал тасвирланган ўлчам ва  $i$  горизонтал тасвирланган ўлчамдир.

## 1.2. Иқтисодиётни эконометрик моделлаштиришнинг зарурлиги

Эконометрик моделлаштириш ва моделларнинг аҳамияти қуидагиларда намоён бўлади:

- 1) Эконометрик усуллар ёрдамида моддий, меҳнат ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланилади.
- 2) Эконометрик усуллар ва моделлар иқтисодий ва табиий фанларни ривожлантиришда етакчи восита бўлиб хизмат қиласи.
- 3) Эконометрик усуллар ва моделлар ёрдамида тузилган прогнозларни умумий амалга ошириш вақтида айрим тузатишларни киритиш мумкин бўлади.
- 4) Эконометрик моделлар ёрдамида иқтисодий жараёнлар фақат чуқур таҳлил қилинибина қолмасдан, балки уларнинг янги ўрганилмаган қонуниятларини ҳам очишга имкони яратилади. Шунингдек, улар ёрдамида иқтисодиётнинг келгусидаги ривожланишини олдиндан айтиб бериш мумкин.

5) Эконометрик усуллар ва моделлар ҳисоблаш ишларини автоматлаштириш билан бирга, ақлий меҳнатни енгиллаштиради, иқтисодий соҳа ходимларининг меҳнатини илмий асосда ташкил этади ва бошқаради.

Асосий эконометрик усуллар – бу математик статистика усуллари ва эконометрик усуллар.

Математик статистика усуллари - дисперсион таҳлил, корреляция таҳлили, регрессия таҳлили, омилли таҳлил, индекслар назарияси кабилардир.

Эконометрик усуллар - иқтисодий ўсиш назарияси, ишлаб чиқариш функцияси назарияси, талаб ва таклиф назариясига асосланади.

Эконометрикани ўрганиш жараёни – бу иқтисодиёт, иқтисодий жараёнларнинг эконометрик моделларини тузиш жараёнидир.

Эконометриканинг асосий қўллайдиган усули – корреляцион-регрессион таҳлил усулидир.

Эконометрик моделлаштириш қўйидаги илмий йўналишлар комплексидир:

- иқтисодий назария;
- эҳтимоллар назарияси;
- математик статистика;
- компьютер технологиялари.

### 1.3 Эконометрик модель тушунчаси, турлари ва ундаги ўзгарувчилар

Эконометрик модель – бу эҳтимолий-стохастик модель. Бу модель ёрдамида иқтисодий кўрсаткичларни ўзгариш қонуниятларини математик кўринишда тенгламалар, тенгсизликлар ва тенгламалар тизими кўринишда ифодалаш мумкин. Умумий кўринишида эконометрик модель қўйидагича ёзилади:

$$Y = f(x_1, x_2, \dots, x_n)$$

Эконометрик моделда  $Y$  – асосий эндоген кўрсаткич, моделда  $Y$  ўзгариш қонуниятларини  $(x_1, x_2, \dots, x_n)$  ёрдамида ўрганиш мумкин.

$(x_1, x_2, \dots, x_n)$  – таъсир этувчи, экзоген кўрсаткичлар.

Эконометрик моделда фиктив кўрсаткичлар қатнашиши мумкин. Фиктив кўрсаткичлар – бу сифатли кўрсаткичларни миқдорий кўрсаткичларга ўтказилган кўрсаткичлар.

Эконометрик модель чизиқли ва чизиқсиз кўринишда тузилиши мумкин. Чизиқсиз моделлар парабола, гипербола, даражали функция, кўрсаткичли функция, тригонометрик функция ва бошқалар кўринишида бўлиши мумкин.

Тузилган эконометрик моделнинг ҳақиқийлиги тўпланган маълумотлар ҳажмига; маълумотларнинг аниқлик даражасига; тадқиқотчининг малакасига; моделлаштириш жараёнига; ечиладиган масаланинг характеристига боғлиқ.

## 1.4 Эконометрик моделлаштириш босқичлари

Эконометрик моделлаштириш босқичлари қуидагилардан иборат:

**Биринчи босқич** – модельни спецификациялаш - иқтисодий муаммони қўйилиши – асосий омиллар гурухи танланади, иқтисодий маълумот тўпланади, асосий омил ва таъсир этувчи омиллар гурухи белгиланади; корреляцион таҳлил усули ёрдамида эконометрик модельда қатнашадиган омиллар аниқланади.

**Иккинчи босқич** – модельни идентификация қилиш. «Энг кичик квадратлар усули» ёрдамида тузиладиган эконометрик модельнинг параметрлари аниқланади.

**Учинчи босқич** – модельни верификация қилиш. Тузилган модельни аҳамияти тўртта йўналиш бўйича текширилади:

- модельнинг сифати кўплиқдаги корреляция коэффициенти ва детерминация коэффициенти ёрдамида баҳоланади;
- модельнинг аҳамияти аппроксимация хатолиги ва Фишер мезони ёрдамида баҳоланади;
- модельнинг параметрларини ишончлилиги Стыюдент мезони бўйича баҳоланади;
- Дарбин-Уотсон мезони ёрдамида «энг кичик квадратлар усули» нинг бажарилиш шартлари текширилади.

**Тўртинчи босқич** – тузилган ва баҳоланган эконометрик модель ёрдамида асосий иқтисодий кўрсаткичлар чукур таҳлил, синтез ҳамда прогноз қилинади, муқобил қарор қилиш учун илғор тараққиёт кафолати яратилади.

### Амалий эконометрик иш босқичлари<sup>7</sup>.

Амалий эконометрик ишнинг дастлабки босқичида иқтисодий назариянинг бир модели олинади. Бу назарияга кўра, амалий иқтисодий белгиларнинг биринчи вазифаси эмпирик синаладиган шаклда қўлланиладиган эконометрик модель ҳосил қилишдир. Кейинги босқичда тест тақдимотида ишлатиш мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва ундан кейин модельни баҳолаш билан давом этиш мумкин.


Модельни баҳолаш амалга оширилгандан сўнг, ишлатиладиган модель тўғри эканига ва баҳолаш ишлари тўғри олиб борилганига ишонч ҳосил қилиш ва баъзи диагностика текширишларини амалга ошириш учун амалий эконометристлар спецификация тестларини тақдим этишлари керак.

Тестлар орқали модельнинг тўғри эканлиги тасдиқлангач, назарий жиҳатдан олдиндан билишнинг амал қилиш муддатини аниқлаш мақсадида гипотеза тарзидаги кейинги тестни қўллаш керак ва шундан кейин фаразлар ҳосил қилиш учун модельдан ва амалий тавсиялардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Агар спецификация тестларининг нотўғри экани ва тестлар орқали модельнинг тўғри қўлланилмагани аниқланса, эконометрист эконометрик модельнинг аввалги

<sup>7</sup>Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. -p.3.

босқичига қайтиб, барча амалларни бошидан қайта бажариб чиқиши керак бўлади (1.1-расмга қаранг).



1.1-расм. Амалий эконометрик таҳлил босқичлари<sup>8</sup>

### **Назорат саволлар**

1. Эконометрика фанинг мақсади нималардан иборат?
2. Эконометрик моделлаштиришнинг зарурлиги нималардан иборат?
3. Эконометриканинг қўлланиш соҳаларини тушунтириб беринг.
4. Эконометрик модел сўзини тушунтириб беринг.
5. Эконометрик тенгламалар тизимини тузиш қоидалари.
6. Эконометрик моделда қатнашадиган омилларни тузилишини тушунтириб беринг.

<sup>8</sup> Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. -p.3.

**Фойдаланилган адабиётлар**  
**Махсус адабиётлар**

1. Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. 410 p.
2. Econometrics. Bruce E. Hansen University of Wisconsin. Department of Economics. This Revision: January 14, 2016
3. Econometrics Streamlined, Applied and e-Aware Francis X. Diebold University of Pennsylvania Edition 2016 Version Thursday 17th March, 2016.
4. Jeffrey M. Wooldridge. Introductory Econometrics A Modern Approach Fifth Edition Michigan State University, 2013.

**Интернет ресурслар**

1. [www.oxford.uk](http://www.oxford.uk)
2. [www.nber.com](http://www.nber.com)
3. [www.semi.com](http://www.semi.com)
4. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)
5. [chvr-article.narod.ru](http://chvr-article.narod.ru)
6. [www.inderscience.com](http://www.inderscience.com)

## **2-мавзу: Эконометрик моделларни тузиш, баҳолаш ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш**

**Режа:**

- 2.1. Иқтисодий-ижтимоий жараёнларда боғлиқликлар турларини ўрганиш.**
- 2.2. Корреляция коэффициентининг турлари ва ҳисоблаш усуллари.**
- 2.3. Чизиқли ва чизиқсиз регрессион боғланишлар.**
- 2.4. Корреляцион-регрессион таҳлилда энг кичик квадратлар усулининг қўлланилиши.**

**Таянч иборалар:** Ўзгарувчилар ўртасида боғлиқликлар. Боғлиқликлар турлари. Корреляция коэффициенти. Чизиқли ва чизиқсиз регрессия тенгламалари. Энг кичик квадратлар усули.

### **2.1. Иқтисодий-ижтимоий жараёнларда боғлиқликлар турларини ўрганиш**

Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўртасидаги ўзаро боғланишларни ўрганиш эконометрика фанининг муҳим вазифаларидан биридир. Бу жараёнда икки хил белгилар ёки қўрсаткичлар иштирок этади, бири боғлиқ бўлмаган ўзгарувчилар, иккинчиси боғлиқ ўзгарувчилар ҳисобланади. Биринчи турдаги белгилар бошқаларига таъсир этади, уларнинг ўзгаришига сабабчи бўлади. шунинг учун улар омил белгилар деб юритилади, иккинчи тоифадагилар эса натижавий белгилар дейилади. Масалан, истеъмолчининг даромади ортиб бориши натижасида унинг товар ва хизматларга бўлган талаби ошади. Бу боғланишда талабнинг ортиши натижавий белги, унга таъсир этувчи омил, яъни даромад эса омил белгидир.

Омилларнинг ҳар бир қийматига турли шароитларида натижавий белгининг ҳар хил қийматлари мос келадиган боғланиш корреляцион боғланиш ёки муносабат дейилади. Корреляцион боғланишнинг характерли хусусияти шундан иборатки, бунда омилларнинг тўлиқ сони номаълумдир. Шунинг учун бундай боғланишлар тўлиқсиз ҳисобланади ва уларни формулалар орқали тақрибан ифодалаш мумкин, холос.

Корреляция сўзи лотинча *correlation* сўзидан олинган бўлиб, ўзаро муносабат, мувофиқлик, боғлиқлик деган маънога эга.

Икки ҳодиса ёки омил ва натижавий белгилар орасидаги боғланиш **жуфт корреляция** деб аталади.

Корреляцион боғланишларни ўрганишда икки тоифадаги масалалар кўндаланг бўлади. Улардан бири ўрганилаётган ҳодисалар (белгилар) орасида қанчалик зич (яъни, кучли ёки кучсиз) боғланиш мавжудлигини баҳолашдан иборат. Бу корреляцион таҳлил, деб аталувчи усульнинг вазифаси ҳисобланади.

Корреляцион таҳлил деб, ҳодисалар орасидаги боғланиш зичлиги даражасини баҳолашга айтилади.

Омилларнинг ўзаро боғланиши 2 турга бўлинади: функционал боғланиш ва корреляцион боғланиш.

Йўналишларнинг ўзгаришига караб, боғланишлар икки турга бўлинади: тўғри боғланиш ва тескари боғланишлар.

Аналитик ифодаларнинг кўринишларига қараб ҳам боғланишлар икки турга бўлинади: тўғри чизиқли ва чизиқсиз боғланишлар.

Функционал боғланишларда бир ўзгарувчи белгининг ҳар қайси қийматига бошқа ўзгарувчи белгининг аник битта қиймати мос келади.

## 2.2. Корреляция коэффициентининг турлари ва ҳисоблаш усуллари

Корреляцион таҳлил корреляция коэффициентларини аниқлаш ва уларнинг муҳимлигини, ишончлилигини баҳолашга асосланади. Боғланишлар чизиқли бўлса, у ҳолда боғланиш зичлиги баҳолашда корреляция коэффициентидан фойдаланиш мумкин:

$$r = \frac{\bar{x} \cdot \bar{y} - \bar{x} \cdot \bar{y}}{\sigma_x \cdot \sigma_y},$$

бу ерда,  $\sigma_x$  ва  $\sigma_y$  мос равища  $x$  ва  $y$  ўзгарувчиларнинг ўртача квадратик четланишидир ва улар қуидаги формулалар ёрдамида ҳисобланади:

$$\sigma_x = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}{n}}, \quad \sigma_y = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2}{n}}$$

Шунингдек, корреляция коэффициентини ҳисоблашнинг қуидаги модификациялашган формулаларидан ҳам фойдаланиш мумкин:

$$r = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{n \cdot \sigma_x \cdot \sigma_y} \text{ ёки } r = \frac{n \sum_{i=1}^n xy - \sum_{i=1}^n x \sum_{i=1}^n y}{\sqrt{\left[ n \sum_{i=1}^n x^2 - \left( \sum_{i=1}^n x \right)^2 \right] \cdot \left[ n \sum_{i=1}^n y^2 - \left( \sum_{i=1}^n y \right)^2 \right]}}.$$

Корреляция коэффициенти ( $r$ ) –1 дан +1 оралиғида бўлади. Агар  $r = 0$  бўлса, омиллар ўртасида боғланиш мавжуд эмас,  $0 < r < 1$  бўлса, тўғри боғланиш мавжуд  $-1 < r < 0$  – тескари боғланиш мавжуд,  $r = 1$  функционал боғланиш мавжуд дейилади.

Боғланиш зичлик даражаси одатда қуидагича талқин этилади.

Агар 0,2 гача – кучсиз боғланиш;

$0,2 \div 0,4$  – ўртача зичликдан кучсизроқ боғланиш;

$0,4 \div 0,6$  – ўртача боғланиш;

$0,6 \div 0,8$  – ўртачадан зичроқ боғланиш;

$0,8 \div 0,99$  – зич боғланиш.

## 2.3 Чизиқли ва чизиқсиз регрессион боғланишлар

Ижтимоий-иктисодий жараёнлар ўртасида боғланишларни ўрганишда қуйидаги функциялардан фойдаланилади

Чизиқли	—	$y = a_0 + a_1x$
Иккинчи даражали парабола —		$y = a_0 + a_1x + a_2x^2$
Учинчи даражали парабола—		$y = a_0 + a_1x + a_2x^2 + a_3x^3$
$n$ -даражали парабола—		$y = a_0 + a_1x + a_2x^2 + \dots + a_nx^n$
Гипербола—		$y = a_0 + \frac{a_1}{x}$
$b$ - даражали гипербола —		$y = a_0 + \frac{a_1}{x^b}$
Логарифмик—		$\log y = a_0 + a_1x$
Ярим логарифмик —		$y = a_0 + a_1 \ln x$
Кўрсаткичли функция—		$y = a_0 a_1^x$
Даражали функция —		$y = a_0 x_1^{a_1}$
Логистик функция—		$y = \frac{a_0}{1 + a_1 e^{-bx}}$

### Чизиқли регрессия модели<sup>9</sup>

Сиз бошқарувчига  $Y_t = a + \beta X_t + u_t$  (4.3) тенгламани таклиф қилганингизда, у сизга бу ифодада қандайдир хато борлигини айтади. У синф ҳажми бошланғич таълим тизимининг хусусиятларидан бор йўғи биригина эканини айтади ва икки тумандаги бир хил талаба ҳажмига эга бўлган икки синф тест натижалари кўп сабаларга кўра турли хил бўлишини таъкидлайди.

Бир туманда яхшироқ ўқитувчилар кўпроқ бўлиши мумкин, ёки яхшироқ дарсликлардан фойдаланишлари мумкин. Синфдаги талabalар сони тенг, бир хил ўқитувчилар ва дарсликлар билан таъминланган икки тумандаги синфлар турли хил талаба жамоасидан ташкил топган бўлиши мумкин. Эҳтимол, бир туманда кўпроқ хорижликлар йигилгандир (шу сабаб инглиз тилида сўзлашувчилар камрок), балки бадавлат оиласлар кўпроқдир. Ва ниҳоят, у, агар ҳар иккала тумандаги ҳолат юқоридаги айтилган жиҳатлар бўйича бир хил бўлган тақдирда ҳам, тасодифий сабабларга кўра, хусусан, тест ўтказилган кундаги талabalарнинг индивидуал ҳолатларига боғлиқ тарзда уларнинг тест натижалари турлича бўлиши мумкин. Албатта ҳар жиҳатдан у (бошқарувчи) хақдир. (4.3) тенгламани барча туманлар учун айнан бир хилда қўллаб бўлмайди. Аксинча, у туманлар ахолиси ўртасидаги нисбий боғлиқлик кўрсаткичлари баёноти сифатида қабул қилиниши лозим.

Бу чизиқли муносабатлар тахмини ҳар бир туманда тест натижаларига таъсир қиласидиган, шу жумладан ҳар қайси туманнинг ўзига хос жиҳатларини

---

<sup>9</sup>Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. -pp.24-26.

(ўқитувчиларнинг савиясини, талабаларнинг билим даражасини ва тестларда уларнинг омади келганини) назарга олиши керак.

Яна бир ёндашув муҳим омилларни қайд этиб ўтиш ва уларни очиқ тенгламага қўйиш (4.3). Бинобарин биз шу пайтгача юқорида айтиб ўтилган барча “бошқа омиллар”ни бир жойга тўплаб, мазкур туманлардаги боғлиқликни:


$$Testscope = a_0 + PsiaccSize \times ClassSize + \text{бошқа омиллар} \quad (4.4)$$

деб ёзик.

Шундай қилиб, тумандаги тест натижалари бир компонент шарти билан  $a_0$  ёзилди, +  $PsiaccSize \times ClassSize$ , қайсики ўртача синфдаги талабаларнинг сонининг тумандаги мактабларида умумий балларга таъсири кўрсаткичидир.

Бу масала тест натижалари ва синф ўлчамига оид бўлсада, (4.4) тенгламада ифодаланган фикр умумий бўлиб, уларнинг ҳаммаси учун умумий қайд жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.  $n$  ни худудлар мисоли деб фараз қилинг.  $I^{\text{th}}$  даги ўртача тест бали худуд ифодаси бўлсин,  $X_{I^{\text{th}}}$  даги худуддаги ўртача синф ҳажми бўлсин, ва  $W_j$  тест балларига таъсир қиласидаган бошқа омиллар ифодаси бўлсин.

4.1-расмда чизиғли регрессион модел ( $Y$ ) да ифодаланган тест натижалари ва ( $X$ )даги синф ҳажмининг еттига гипотетик кузатувлари учун бир регрессорли чизиғли регрессион модел йифиндиси ифодаланган. Тўплам регрессион чизиги  $n_0 + C_j X_j$  тўғри чизигидир. Тўплам регрессион чизиги ( $n_x < 0$ ) га оғишган бўлиб, у худуддағи талаба-ўқитувчи нисбати пастлигини ва кичик синфларда тест баллари юқорилигини кўрсатади. Озод ҳадни  $Y$  ўқининг қиймати тўплам регрессион чизиги билан кесиб олиниб математик мазмунга эга бўлади, аммо аввал айтиб ўтганимиздек, бу мисолда у ҳеч қандай маънони англашмайди.



4.1-расм

Тест кўрсаткичларини белгиловчи бошқа омиллар сабали 4.1-расмдаги гипотетик кузатувлар айнан тўплам регрессион чизигига тўғри келмайди.

## **2.4. Корреляцион-регрессион таҳлилда энг кичик квадратлар усулининг қўлланилиши**

Регрессион таҳлил натижавий белгига таъсир этувчи омилларнинг самарадорлигини аниқлаб беради. Регрессия сўзи лотинча *regressio* сўзидан олинган бўлиб, орқага ҳаракатланиш деган маънога эга. Бу атама корреляцион таҳлил асосчилари *Ф.Гальтон* ва *К.Пирсон* номлари билан боғлиқdir. Регрессион таҳлил натижавий белгига таъсир этувчи белгиларнинг самарадорлигини амалий жиҳатдан етарли даражада аниқлик билан баҳолаш имконини беради. Регрессион таҳлил ёрдамида ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг келгуси даврлар учун прогноз қийматларини баҳолаш ва уларнинг эҳтимоллик чегараларини аниқлаш мумкин. Регрессион ва корреляцион таҳлилда боғланишнинг регрессия тенгламаси аниқланади ва у маълум эҳтимол (ишончлилик даражаси) билан баҳоланади, сўнгра иктиносий-статистик таҳлил қилинади.

Функциялар параметрлари одатда “энг кичик квадратлар” усули билан аниқланади. Энг кичик квадратлар усулини мазмуни қуйидагича: хақиқий миқдорларнинг текисланган миқдорлардан фарқининг квадратлари йиғиндиси энг кам бўлиши зарур

$$S = \sum (Y - \bar{Y}_t)^2 \rightarrow \min$$

$$Y_t = a_0 + a_1 t$$

Бир омилли чизиқли боғланишни олайлик:

$$S = \sum (Y - \bar{Y}_t)^2 = \sum (Y - a_0 - a_1 t)^2 \rightarrow \min$$

$$\frac{\partial S}{\partial a_0} = 0 \quad \frac{\partial S}{\partial a_1} = 0 \quad \rightarrow \begin{cases} n \cdot a_0 + a_1 \sum t = \sum y \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 = \sum y \cdot t \end{cases}$$

Эконометрик модел тузишда натижавий кўрсаткич билан унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги алоқаларни ифодаловчи коэффициентларни ҳисоблаш учун Марков теоремасига биноан юқоридаги формуласаларга асосан нормал тенгламалар тизими яратилади ва кейинчалик тенгламалар ечими топилади.

Регрессия каби эконометрик усуллар тўлиқ ноаниқлик масаласини ечишга ёрдам беради ва режалаштириш ҳамда қарор қабул қилишда асосий йўналишларни таъминлайди<sup>1</sup>. Албатта, моделларни яратиш осон масала эмас. Моделлар аниқ бир мезонга мос келиши (масалан, модел автокорреляциядан ҳоли бўлиши керак) ва ўрганилаётган жараёнга мос келиши лозим ва яхши моделни яратиш учун одатда катта ишларни бажариш керак. Бундан ташқари, моделга

<sup>1</sup>Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. -p.24.

ўзгарувчиларни киритиш керакми ёки йўқми деган саволга тегишли қарор қабул қилиш керак. Ҳаддан кўп ўзгарувчилар моделда айрим қийинчиликларга олиб келиши, етарли бўлмаган ўзгарувчилар эса нотўғри функционал шаклларга олиб келиши мумкин

### **Баҳолашнинг энг кичик квадратлар усули**

Яна бир марта тўпламнинг регрессия тенгламасини кўриб чиқамиз:

$$Y_t = \alpha + \beta X_t + u_t \quad (4.3)$$

Ушбу тенглама бевосита қузатиладиган ҳисобланмайди. Шунга қарамасдан, биз танлама тўпламдан маълумотлар тўплаб,  $\alpha$  ва  $\beta$  нинг баҳоларини олишимиз мумкин. Бу бизга қуйидаги нисбатни, яъни функцияни кесиб ўтувчи нуқта  $\hat{a}$  ва тўғри чизиқнинг ётиклигини  $\hat{\beta}$  беради.

$$\hat{Y}_t = \hat{\alpha} + \hat{\beta} X_t \quad (4.4)$$

(4.4) тенгламани регрессия тенгламасининг модели деб аташ мумкин. Бу ерда  $\hat{a}$  ва  $\hat{\beta}$  тўплам параметрлари  $\alpha$  ва  $\beta$  нинг баҳоси,  $\hat{Y}_t$  эса  $Y$  нинг прогноз қийматларини билдиради. (Биз регрессия тенгламасини баҳоловчи моделига эга бўлганимиздан сўнг,  $X$  нинг турли қийматларида осонлик билан  $Y$  ни прогноз қилишимиз мумкин).

Биз ёйилган нуқталардан регрессия чизигини ўтказганимизда, ушбу чизик реал  $Y$  га шунчалик яқинроқ жойлашиши мақсадга мувофиқ бўлар эди ёки бошқача айтганда, улар ўртасидаги четланишлар минимал бўлиши лозим. Бунинг учун биз қуйидаги мезонни қабул қиласиз: регрессия функцияси моделини шундай танлаш лозимки, четланишлар кваратининг йифиндиси минимал бўлсин (яъни, минималлаштирилсин). Баҳолашнинг ушбу усули айрим ижобий хусусиятларга эга бўлиб, улар регерссион таҳлилнинг мураккаб бўлмаган иловаларида мазкур усулни машхур усул қиласиз. Айнан:

1) қолдиқлар квадратларидан фойдаланилганда биз фарқлар белгиси (+, -) таъсирини йўқотамиз, шундай қилиб, мусбат ва манфий фарқлар бир-бирини тўлдириш имкони бўлмайди. Масалан, агар биз фарқлар йифиндисини минималлаштироқчи бўлсак, бунга  $Y(Y)$  прогнозини  $\bar{Y}(\bar{Y})$  нинг ўртача қийматига тенг қилиш орқали эришган бўлар эдик. Аммо бу умуман яхши яқинлашувчи чизик бўлмас эди. Шундай қилиб, биз шундай ўзгартиришни хоҳлаймиз, яъни у барча фарқлар (қолдиқлар) ни бир хил белгига келтиради ҳамда энг кичик қийматларга эриштиради. Фарқларни квадратга кўтариб, биз катта фарқларга катта қийматлар берамиз, ҳакиқатда катта хатоларни камайтириш бўйича мураккаб ишни бажарамиз.

3) Энг кичик квадратлар усули  $\alpha$  ва  $\beta$  нинг баҳоловчиларини танлайди, улар эса баъзи миқдорий ва статистик хусусиятларга эга (самарали ва адолатли), уларни кейинроқ муҳокама қиласиз.

Энди биз ЭККУ баҳолари формулаларини қандай олишни кўришимиз мумкин.  $RSS$  орқали қолдиқлар квадрати йиғиндисини белгилаб, қуидагига эга бўламиз:

$$RSS = \hat{u}_1^2 + \hat{u}_2^2 + \dots + \hat{u}_n^2 = \sum_{t=1}^n \hat{u}_t^2 \quad (4.5)$$

Бироқ биз биламизки

$$\hat{u}_t = (Y_t - \hat{Y}_t) = (Y_t - \hat{\alpha} - \hat{\beta}X_t) \quad (4.6)$$

ва шунинг учун

$$RSS = \sum_{t=1}^n \hat{u}_t^2 = \sum_{t=1}^n (Y_t - \hat{Y}_t)^2 = \sum_{t=1}^n (Y_t - \hat{\alpha} - \hat{\beta}X_t)^2 \quad (4.7)$$

(4.7) ни минималлаштириш учун биринчи тартибдаги шарт бўлиб,  $RSS$  дан  $\hat{\alpha}$  ва  $\hat{\beta}$  бўйича хусусий ҳосилалар олиб, уларни нолга тенглаштиришимиз керак. Шундай қилиб, биз қуидагига эга бўламиз:

$$\frac{\partial RSS}{\partial \hat{\alpha}} = -2 \sum_{t=1}^n (Y_t - \hat{\alpha} - \hat{\beta}X_t) = 0 \quad (4.8)$$

ва

$$\frac{\partial RSS}{\partial \hat{\beta}} = -2 \sum_{t=1}^n X_t (Y_t - \hat{\alpha} - \hat{\beta}X_t) = 0 \quad (4.9)$$

Иккинчи тартибли хусусий ҳосилалар:

$$\frac{\partial^2 RSS}{\partial^2 \hat{\alpha}} = 2n \quad (4.10)$$

$$\frac{\partial^2 RSS}{\partial \hat{\beta}^2} = 2 \sum_{t=1}^n X_t^2 \quad (4.11)$$

$$\frac{\partial^2 RSS}{\partial \hat{\alpha} \partial \hat{\beta}} = 2 \sum_{t=1}^n X_t \quad (4.12)$$

Шунинг учун ҳам минимум учун иккинчи тартибли хусусий ҳосилалар шартлари риоя қилинмоқда.

$\sum \hat{a} = n\hat{a}$  бўлгани учун (оддийлик учун йиғинди белгисидаги юқори ва пастки индексларни тушириб қолдирамиз), (4.8) ва (4.9) тенгламаларни қуидагича қайта ёзишимиз мумкин:

$$\sum Y_t = n\hat{\alpha} - \hat{\beta} \sum X_t \quad (4.13)$$

ва

$$\sum X_t Y_t = \hat{\alpha} \sum X_t + \hat{\beta} \sum X_t^2 \quad (4.14)$$

Юқорида келтирилган иккита тенгламада  $\hat{\alpha}$  ва  $\hat{\beta}$  лар номаълум. Шундай қилиб,  $\hat{\alpha}$  ва  $\hat{\beta}$  ларни топиш учун ушбу иккита номаълумдан иборат иккита тенгламалар тизимини ёчишимиз мумкин. Биринчидан, (4.13) тенгламанинг икки томонини  $n$  га бўлиб, қуидагига эга бўламиз:

$$\frac{\sum Y_t}{n} = \frac{n\hat{\alpha}}{n} - \frac{\hat{\beta} \sum X_t}{n} \quad (4.15)$$

$\bar{Y} = \sum Y_t / n$  ва  $\bar{X} = \sum X_t / n$  белгилаб ва ўрин алмаштириш орқали қуидагини оламиз:

$$\hat{\alpha} = \bar{Y} - \hat{\beta} \bar{X} \quad (4.16)$$

(4.16) ни (4.14) қўйиб, қуидаги оламиз:

$$\sum X_t Y_t = \bar{Y} \sum X_t - \hat{\beta} \bar{X} \sum X_t + \hat{\beta} \sum X_t^2 \quad (4.17)$$

ёки

$$\sum X_t Y_t = \frac{1}{n} \sum Y_t \sum X_t - \hat{\beta} \frac{1}{n} \sum X_t \sum X_t + \hat{\beta} \sum X_t^2 \quad (4.18)$$

Ва нихоят,  $\hat{\beta}$  нуқтаи назаридан кўпайтувчиларга ажратамиз:

$$\sum X_t Y_t = \frac{\sum Y_t \sum X_t}{n} + \hat{\beta} \left[ \sum X_t^2 - \frac{(\sum X_t)^2}{n} \right] \quad (4.19)$$

Шундай қилиб, биз  $\hat{\beta}$  ни қуидагича оламиз:

$$\hat{\beta} = \frac{\sum X_t Y_t - 1/n \sum Y_t \sum X_t}{\sum X_t^2 - 1/n (\sum X_t)^2} \quad (4.20)$$

$\hat{\beta}$  ни хисобга олиб,  $\hat{a}$  топиш учун (4.16) дан фойдаланишимиз мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Корреляцион-регрессион таҳлилнинг мақсадлари нималардан иборат?
2. Жуфт, хусусий ва кўпликдаги корреляция коэффициентларининг фарқи нимадан иборат?
3. Қайси ҳолларда корреляция индекси қўлланилади?
4. Регрессия коэффициентларининг иқтисодий моҳияти нимадан иборат?
5. “Энг кичик квадратлар усули” нинг моҳиятини тушунтириб беринг.
6. Нормал тенгламалар системасини ечиш усулларини тушунтириб беринг.
7. Реал иқтисодий жараёнлар бўйича турли хилдаги боғланишларга 10 та мисол тузинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Махсус адабиётлар**

1. Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. 410 p.
2. Fumio Hayashi: Econometrics is published by Princeton University Press and copyrighted, © 2000, by Princeton University Press, 2014.
3. Introductory Econometrics. A Modern Approach, 4 ed., Jeffrey M. Wooldridge. Michigan State University, 2014.
4. Introductory Econometrics for Finance. Second edition. Chris Brooks The ICMA Centre, University of Reading, 2015.

### **Интернет ресурслар**

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
3. [www.naaba.uz](http://www.naaba.uz)
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

### **3-мавзу: Ишлаб чиқариш функциялари. Прогнозлашда эконометрик моделлардан фойдаланиш**

#### **Режа:**

- 3.1. Ишлаб чиқариш функциялари. Кобба-Дуглас функцияси. Ишлаб чиқариш функцияси характеристикалари
- 3.2. Чизиқли ва чизиқсиз кўп омилли иқтисодий боғланишлар.
- 3.3. Умумлаштирилган ва бевосита “энг кичик квадратлар усули”.
- 3.4. Эконометрик модель параметрларининг иқтисодий таҳлили ва эластиклик коэффициентларини хисоблаш.
- 3.5. Эконометрик моделларни баҳолаш
- 3.6. Вақтли қаторлар ва уларни прогнозлаш

**Таянч иборалар:** Ишлаб чиқариши функцияси. Даражали ишлаб чиқариши функциялари ва уларнинг характеристикалари. Умумлаштирилган “энг кичик квадратлар усули”. Эластиклик коэффициенти. Фишер мезони. Стыюдент мезони бўйича эконометрик моделларни баҳолаш. Вақтли қаторлар ва уларнинг хусусиятлари. Иқтисодий прогнозлаш.

#### **3.1. Ишлаб чиқариш функциялари. Кобба-Дуглас функцияси. Ишлаб чиқариш функцияси характеристикалари**

Ишлаб чиқариш жараёни кузатилаётганда кўриш мумкинки маҳсулот ишлаб чиқаришда хом-ашё, иш кучи, техника воситалари, электр энергияси, асосий фондлар ва бошқа ресурслар бевосита қатнашади ва маҳсулот ҳажмига таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот билан унга сарфланган ресурслар орасидаги боғланишни ишлаб чиқариш функцияси орқали кўрсатиш мумкин. Умумий ҳолда ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$y = f(x_1, x_2, \dots, x_m),$$

бу ерда  $y$  - ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори;  $x_i$  – ресурслар сарфи.

Ишлаб чиқариш функциялари математик тасвирилаш шаклига кўра чизиқли, даражали, параболик, кўрсаткичли ва ҳоказо бўлиши мумкин. Бу функцияларнинг баъзиларини кўриб чиқамиш.

1. Чизиқли функция:

$$y = k_0 + k_1 x_1.$$

Бу функция бир жинсли бўлиб, омил-далилларнинг доимий лимитли самаралилиги билан характерлидир. Умуман иқтисодиёт учун чизиқсиз алоқа ҳам характерли бўлиб, маълум доиралардагина чизиқли ҳолатга, яъни (4.3) кўринишга келтирилади.

2. Даражали функция:

$$y = ax^b,$$

бу ерда  $y$  - ишлаб чиқарилган маҳсулот;

$x$  - ишлаб чиқариш ресурслари сарфи;

$b$  - ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўзгариш кўрсаткичи;

$a$  - эркин параметр.

Мазкур функция қўшимча маҳсулотнинг қўшимча харажат бирлигига нисбатан доим ўсиб ёки камайиб боришини назарда тутади, бироқ у қўшимча маҳсулотнинг айни бир вақтда камайиши ва ўсиб боришига йўл қўймайди. Буни функциянинг биринчи тартибли ҳосиласида қўриш мумкин:

$$y' = bax^{b-1}.$$

3) Кобба-Дуглас қўринишидаги даражали функция энг кўп тарқалган ва универсал функция ҳисобланади. У қуйидагича қўринишда бўлади:

$$y = a \prod_{i=1}^n x_i^{\alpha_i},$$

бу ерда  $y$  - натижавий қўрсаткич;

$x_i$ - эркин ўзгарувчи миқдор;

$\alpha, \alpha_i$  - ўзгармас миқдорлар;

$\prod$  - кўпайтириш оператори.

Бу функция параметрлари бир вақтни ичida эластиклик коэффициентларiga тенг. Эластиклик коэффициентларининг иқтисодий мазмуни шундан иборатки, мустақил ўзгарувчилар ( $x$ ) бир фоизга ўзгарганда, самарали (натижали) қўрсаткич ( $y$ ) қандай ўзгаришини қўрсатади.

### Ишлаб чиқариш функцияларининг характеристикалари

Ишлаб чиқариш функциясини ўрганишда айrim ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлигини баҳолаш, бир хил омилларнинг бошқа омиллар ўрнини босиши, техника тараққиёти каби муаммолар пайдо бўлади (бунда кўп ҳолларда Кобба-Дугласа типидаги икки омилли моделдан фойдаланиш мумкин).

$$y = \gamma K^\alpha L^\beta,$$

бу ерда  $K$  - ишлаб чиқариш фондларининг ҳажми;

$L$  - меҳнат сарфлари;

$\gamma, \alpha, \beta$  - ҳисобланадиган параметрлар.

Ишлаб чиқариш функциясидаги омилларнинг самарадорлиги функциянинг ҳар бир ўзгарувчи бўйича биринчи тартибли ҳосиласи функцияси билан аниқланади. Хусусий ҳосила бошқа омилнинг миқдори ўзгармас бўлса, омил учун қўшимча маҳсулотни ифодалайди. Бинобарин, чекли самарадорлик ишлаб чиқариш фондлари учун

$$\frac{\partial y}{\partial K} = \gamma \alpha L^\beta K^{\alpha-1},$$

меҳнат учун эса қуйидагича бўлади:

$$\frac{\partial y}{\partial L} = \beta \gamma L^{\beta-1} K^\alpha.$$

Эйлер теоремасидан фойдаланган ҳолда ялпи маҳсулотни омиллар «улушига» ажратиш мумкин;

$$y = \frac{\partial y}{\partial K} K + \frac{\partial y}{\partial L} L.$$

$\alpha$  ва  $\beta$  параметрлари асосий ишлаб чиқариш фондлари ва меҳнатга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг эластиклик коэффициенти ҳисобланади:

$$\alpha = \frac{\partial y}{y} : \frac{\partial K}{K};$$

$$\beta = \frac{\partial y}{y} : \frac{dL}{L}.$$

Кобба-Дуглас ишлаб чиқариш функциясида ишлаб чиқариш концентрациясининг таъсири параметрлар йифиндисида акс этади. Параметрлар йифиндиси бирга тенг бўлса, бу ҳолда ишлаб чиқариш концентрацияси ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлигига таъсир этмайди. Параметрлар йифиндиси бирдан катта бўлса, бу ишлаб чиқариш ҳажми бир омилнинг унинг микдорига нисбатан яратилган чекли самарадорликдан ортиқ бўлишини англатади. Параметрлар жами бирдан кам бўлса, ресурслар ошиши билан ишлаб чиқариш пасайиб борувчи тезликда ўсиб боради.

### Ишлаб чиқариш функцияси.

Иқтисодий назариянинг асосий муносабатларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш функцияси ҳисобланади, қоидага кўра у ишлаб чиқаришни ( $Y$  билан белгиланади), мумкин бўлган ишлаб чиқаришга таъсир этувчи ишчи кучи ( $L$ ) ва капитал ( $K$ ) га боғлиқлигини кўрсатади<sup>11</sup>. Ушбу муносабатнинг умумий кўринишини қуидагича ифодалаш мумкин:

$$Y_t = f(K_t, L_t) \quad (4.77)$$

Ўзининг хусусиятларига мувофиқ мазкур функциянинг шаклидан тез-тез фойдаланилади – бу яхши машҳур Кобба-Дуглас функциясидир.

$$Y_t = AK_t^\alpha L_t^\beta \quad (4.78)$$

бу ерда  $\alpha$  ва  $\beta$  доимий ҳадлар, улар мос равишда капитал ва ишчи кучини оператив тарзда чиқаришни ифодалайдилар. Буни самарадорлик/технология каби экзоген параметр сифатида қараш мумкин. Аниқки,  $A$  қанчалик катта бўлса, меҳнат унумдорлиги ва капиталнинг максимал доимийлигини таъминлайди. Қисқа муддатли даврда тахмин қилишмиз мумкинки, капитал захираси тузатилади. (Қисқа муддатли даврни бу ерда капитални ишлаб чиқарувчи томонидан кейинги давргача ўзгартира олмайдиган давр деб қараш мумкин).

---

<sup>11</sup> Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. -p.45

Кейин, қисқа муддатли даврда маҳсулотни максимал ишлаб чиқариш фақат меҳнат харажатларига боғлиқ ва ишлаб чиқариш функцияси қуидагича бўлади:

$$Y_t = g(L_t) \quad (4.79)$$

Кобба-Дуглас функциясидан фойдаланиб ( $K_t$  доимий ва  $K_0$  га тенг), қуидагига эга бўламиз:

$$Y_t = (AK_0^\alpha)L_t^\beta = A * L_t^\beta \quad (4.80)$$

бу ерда  $A^* = (AK_0^\alpha)$ . Бу энди икки ўлчамли моделнинг қисқа муддатли ишлаб чиқариш функцияси ва логарифмик ўзгартиришни қўллагандан сўнг, уни ЭККУ билан баҳолаш мумкин. Тенгламанинг иккала томонидан натурал логарифм олиб ва хатоликни қўшиб, қуидагига эга бўламиз:

$$\begin{aligned} \ln Y_t &= \ln(A^*) + \beta \ln(L_t) + u_t = \\ &= c + \beta \ln(L_t) + u_t \end{aligned} \quad (4.81)$$

бу ерда  $c = \ln(A^*)$ ,  $\beta$  - ишлаб чиқаришнинг меҳнат бўйича эластиклиги (Кобба-Дуглас ишлаб чиқариш функциясининг хусусиятларидан бири). Ушбу эластиклик меҳнат харажатларининг бир фоизга ўзгариши, маҳсулот ишлаб чиқришни қанча фоизга ўзгаришини билдиради.

### **Талаб ва таклифнинг эконометрик моделлари**


$P$  - бир бирлик маҳсулотнинг нархини билдиради, абцисса ўқи бўйича белгиланган  $Q$  – маҳсулот миқдорини ифодалайди. Маҳсулот нархи – бу сотувчи таклиф қилаётган маълум миқдордаги маҳсулот учун оладиган ва харидор талаб қилаётган бу маҳсулот учун тўлайдиган тўловдир.

Таклиф функцияси -  $Q_S$  бозорнинг нархларида ишлаб чиқарувчининг қанча миқдорда маҳсулот сотишига хоҳиши борлигини билдиради. Бу эгри чизик юкорига йўналган бўлади, негаки нарх қанча юкори бўлса, фирмалар шунча кўп маҳсулот ишлаб чиқариши ва уни сотишга интилиши мумкин бўлади.

Талаб функцияси -  $Q_D$ , бозорнинг ҳар бир нархida истеъмолчилар қанча миқдорда маҳсулот харид қилишга тайёр эканликларини билдиради. Талаб эгри чизиги пастга йўналган, негаки одатда истеъмолчи нарх паст бўлганида, кўпроқ маҳсулот харид қилишни афзал кўради.

Талаб ва таклиф функциялари бир нуқтада, талаб ва таклиф мувозанатлашган  $A$  нуқтада кесишади, яъни мувозанат нарх –  $P^*$  ва мувозанат ишлаб чиқариш миқдорида -  $Q^*$ . Мувозанат нархда  $P^*$  таклиф қилинаётган ва талаб қилинадиган маҳсулот миқдори бир миқдорда  $Q^*$  га тенгдир. Бозор механизми эркин бозордаги шароитни мувозанат нарх ўрнатилмагунича ўзгаришини таъминлайди, яъни нархнинг ўзгариши таклиф қилинаётган маҳсулот

хажми, талаб қилинаётган маҳсулот ҳажмига тенг бўлмагунича давом этади. Мувозанат нуқтасида тақчил ҳам, ортиқча таклиф ҳам бўлмайди, шундай экан бозорда нархни ўзгаришига олиб келувчи кучлар ҳам бўлмайди.



Нархга нисбатан талабнинг чизиқли кўринишидаги эконометрик модели  $Q_d = a_0 + a_1 * P$ .

Нархга нисбатан таклифнинг чизиқли кўринишидаги эконометрик модели  $Q_s = b_0 + b_1 * P$ .

### **Талаб функцияси.**

Иқтисодий назариядан биламизки, товарга бўлган талаб асосан ушбу товарнинг нархига боғлиқ (талаб қонуни)<sup>12</sup>. Мумкин бўлган бошқа детерминантлар ўз ичига бошқа рақобатдош товарлар нархи (яқин ўрнини босувчи) ёки ушбу товарни тўлдирувчилари (яқин тўлдирувчи) ва албатта истеъмолчининг даромад даражасини олади. Ушбу барча детерминантларни қўшиш учун биз кўплиқдаги регрессион таҳлилдан фойдаланишимиз зарур. Шунга қарамасдан, педагогик мақсадлар учун, биз битта боғлиқ бўлмаган ўзгарувчи билан чегараланишимиз керак. Шундай қилиб, биз талаб миқдори фақат маҳсулот нархига боғлиқ бўлган талаб функциясининг бир қисмини олишимиз мумкин. (Буни амалга оширишнинг бошқа усули, бошқа тенг шароитларда биз талаб функциясига кирувчи бошқа ўзгарувчилар ўзгармайди ва бундан келиб чиқиб, талаб миқдорига таъсир этмайди деб фараз қиласиз). Танлама регрессия тенгламаси қўришига эга:

$$q_t = a_0 + a_1 p_t + u_t \quad (4.75)$$

бу ерда стандарт белгиланишлардан фойдаланилган,  $q_t$  – талабни,  $p_t$  эса маҳсулот нархини билдиради. Иқтисодий назариядан биламизки, манфий  $a_1$  талаб қонунини ифодалайди (нарх қанча юқори бўлса, талаб ҳажми шунчалик кам бўлади).

<sup>12</sup> Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. –p. 44.

Маҳсулотнинг нархи ва сотиши ҳажми учун вақтли қаторлар маълумотларини тўплашимиз ва юқорида келтирилган параметрларни баҳолашимиз мумкин. Олинган натижаларнинг изоҳи қўйидагича бўлади.  $a_1$  учун: агар маҳсулотнинг нархи бир бирликка ошса (яъни, агар нархни £ да ўлчасак, £1,00 га ошади), ушбу маҳсулотнинг истеъмоли  $\hat{a}_1$  бирликка камаяди (чунки,  $a_1$  манфий бўлади).  $a_0$  учун: агар маҳсулот нархи нолга teng бўлса, истеъмолчи ушбу маҳсулотнинг  $\hat{a}_1$  микдорини истеъмол қиласидилар,  $R^2$ , кутилаётганидек қўйидагича (айтайлик, 0,6) бўлади, яъни қўшимча ўзгарувчилар мавжуд бўлиб, улар талаб микдорига таъсир қиласидилар, аммо биз уларни регрессия тенгламасига киритмаганмиз ҳамда қўйидаги тенгламадан маълум йил (айтайлик, 1999) учун маҳсулотнинг нарх бўйича эластиклигини олиш мумкин:

$$\frac{P_{99}}{\hat{q}_{99}} \frac{\Delta q}{\Delta p} = \frac{P_{99}}{\hat{q}_{99}} \hat{a}_1 \quad (4.76)$$

### 3.2. Чизиқли ва чизиқсиз кўп омилли иқтисодий боғланишлар

Аналитик функция турини регрессиянинг эмпирик графиги бўйича аниқлаш мумкин. Лекин мазкур график усулни факат жуфт боғланиш ҳолларида ҳамда кузатишлар сони нисбатан кўп бўлганда муваффақиятли қўллаш мумкин.


Боғлиқлик шаклини танлаш усули икки босқичда бажарилади.

- 1) Энг маъкул бўлган функцияни танлаймиз.
- 2) Танланган функциянинг параметрларини ҳисоблаймиз.

Функция тури:  
1) Чизиқли

$$Y = a_1 X$$

$$Y = a_0 + a_1 X$$





- 2) Иккинчи даражали парабола:

$$Y = a_2 X^2$$


$$Y = a_2 \sqrt{X}$$

$$Y = a_0 + a_1 X + a_2 X^2 + a_3 X^3$$





#### 4) Даражали функция



### 3.3. Умумлаштирилган ва бевосита “энг кичик квадратлар усули”

Энг кичик квадратлар усулини ҳисоблаш методикаси.

Мезон: хақиқий миқдорларнинг текисланган миқдорлардан фарқининг квадратлари йифиндиси энг кам бўлиши зарур.

$$S = \sum (Y - \bar{Y}_t)^2 \rightarrow \min$$

Демак

$$\bar{Y} = a_0 + a_1 x + a_2 x^2 + \dots + a_n x^n$$

$$\frac{\partial S}{\partial a_0} = \sum [2(Y - a_0 - a_1 X - a_2 X^2 - \dots - a_n X^n)] \cdot (-1) = 0$$

$$\frac{\partial S}{\partial a_1} = \sum [2(Y - a_0 - a_1 X - a_2 X^2 - \dots - a_n X^n)] \cdot (-X) = 0$$

.....

$$\frac{\partial S}{\partial a_n} = \sum [2(Y - a_0 - a_1 X - a_2 X^2 - \dots - a_n X^n)] \cdot (-X^n) = 0$$

Иқтисодий қаторлар динамикаси тенденциясини аниқлаш вақтида кўпчилик ҳолларда турли даражадаги полиномлар:

$$\hat{y}(t) = \left[ a_0 + \sum_{i=1}^k a_i t^i \right]^u \quad (i = -1, 0, 1, \dots, k) \\ (u = -1, 1)$$

ва экспоненционал функциялар қўлланилади:

$$\hat{y}(t) = \left[ e^{a_0 + \sum_{i=1}^k a_i t^i} \right]^u \quad (i = -1, 0, 1, \dots, k) \\ (u = -1, 1)$$

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, функция шакли тенглаштирилаётган қаторлар динамикаси характерига мувофиқ, шунингдек, мантиқий асосланган бўлиши лозим.

Полиномнинг энг юқори даражаларидан фойдаланиш қўпчилик ҳолларда ўртача квадрат хатоларининг камайишига олиб келади. Лекин бундай вақтларда тенглаштириш бажарилмай қолади.

Тенглаштириш параметрлари **бевосита энг кичик квадратлар усули** ёрдамида баҳоланади. Экспоненционал функция параметрларини баҳолаш учун эса бошланғич қаторлар қийматини логарифмлаш керак.

Нормал тенгламалар тизими қўйидагича бўлади:

a)  $k$  - тартибли полином учун:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum t + a_2 \sum t^2 + \dots + a_k \sum t^k = \sum y \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 + a_2 \sum t^3 + \dots + a_k \sum t^{k+1} = \sum yt \\ \dots \\ a_0 \sum t^k + a_1 \sum t^{k+1} + a_2 \sum t^{k+2} + \dots + a_k \sum t^{2k} = \sum yt^k \end{cases}$$

б) экспоненционал функция учун:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum t + a_2 \sum t^2 + \dots + a_k \sum t^k = \sum \ln y \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 + a_2 \sum t^3 + \dots + a_k \sum t^{k+1} = \sum t \ln y \\ \dots \\ a_0 \sum t^k + a_1 \sum t^{k+1} + a_2 \sum t^{k+2} + \dots + a_k \sum t^{2k} = \sum t^k \ln y \end{cases}$$

Агар тенденция кўрсаткичли функцияга эга бўлса, яъни

$$y_t = a_0 a_1^t$$

бўлса, ушбу функцияни логарифмлаб, параметрларини энг кичик квадратлар усули ёрдамида аниқлаш мумкин. Ушбу функция учун нормал тенгламалар системаси қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} n \ln a_0 + \ln a_1 \sum t = \sum \ln y \\ \ln a_0 \sum t + \ln a_1 \sum t^2 = \sum t \ln y \end{cases}$$

### 3.4. Эконометрик модель параметрларининг иқтисодий таҳлили ва эластиклик коэффициентларини хисоблаш

Эконометрик моделлашнинг учинчи босқичи – модельни верификация қилишдир. Бу жараён тузилган модельни аҳамиятлилигини тўртта мезон бўйича текширилади:

- моделнинг сифати кўпликдаги корреляция коэффициенти ва детерминация коэффициенти ёрдамида баҳоланади;
- моделнинг аҳамияти аппроксимация хатолиги ва Фишер мезони ёрдамида баҳоланади;
- модел параметрларининг ишончлилиги Стьюодент мезони бўйича баҳоланади;
- Дарбин-Уотсон мезони ёрдамида «Энг кичик квадратлар усули» нинг бажарилиш шартлари текширилади.

Таҳлил қилинаётган қаторлар динамикаси ҳар доим анчагина узунроқ қаторларнинг танламаси ҳисобланади. Шунинг учун корреляцион-регрессион таҳлил асосида олинган эконометрик моделларнинг ишончлилигини ҳар томонлама текшириш ва баҳолаш лозим.

Тузилган эконометрик моделнинг аҳамиятлилиги, ишончлилиги ва кейинчалик прогнозлашда қўллаш мумкинлиги қўйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

1. Эконометрик моделларни аҳамиятини Фишер мезони ва аппроксимация хатолиги ёрдамида баҳолаш.
2. Эконометрик моделлар сифатини кўп омилли корреляция коэффициенти ва детерминация коэффициенти ёрдамида баҳолаш.
3. Эконометрик модел параметрларини Стьюодент мезони ёрдамида баҳолаш
4. Қаторларда қолдиқ автокорреляцияни Дарбин-Уотсон мезони бўйича баҳолаш.

Бу мезонларни ҳисоблаш формулалари ва текшириш жараёни амалий машғулотларда кўрсатилади.

**Фишернинг  $z$  мезони.** Инглиз статистиги Фишер корреляцион ва регрессион таҳлилларнинг ишончлилигини текшириш учун логарифмик функциядан фойдаланиш усулини ишлаб чиқди:

$$z = \frac{1}{2} \ln \left( \frac{1+r}{1-r} \right). \quad (1)$$

$z$  тақсимот кичик танламада нормал тақсимотга яқин бўлади. Ф.Миллс  $n=12$  ва  $\rho = 0,8$  да ( $\rho$  - бош тўпламда корреляция коэффициенти)  $r$  ва  $z$  тақсимот графигини ўтказади.  $z$  нинг ўртача квадратик хатоси қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\sigma_z = \frac{1}{\sqrt{n-3}}. \quad (2)$$

Ушбу формулада  $\sigma_z$  ўртача квадратик хато фактат тақсимот ҳажмига, яъни  $z$  тақсимоти боғланиш зичлигига боғлиқ бўлмайди.  $r$  дан  $z$  га ўтиш тегишли жадваллар бўйича амалга оширилади ҳамда корреляцион ва регрессион таҳлил натижалари ишончлилигини текшириш унча қийин бўлмайди.

**Стьюодентнинг  $t$  мезони.** Мазкур мезон Стьюодент таҳаллусли инглиз математиги Уильям Госсет томонидан ишлаб чиқилган.

Стьюодентнинг  $t$  тақсимоти кичик танламалар учун маҳсус белгиланган.  $t$  тақсимот тақсимлагичли суратга эга бўлган қиймат муносабатларида, кейинчалик арифметик ўртача қиймат тақсимлашда учрайди:

$$t = \frac{\bar{x} - m}{\sigma_{\bar{x}}} \sqrt{v+1}, \quad (3)$$

бу ерда,  $m$  - бош ўртача;

$v$  - эркинлик даражаси сони ( $n-1$ );

$\bar{x}$ ,  $\sigma_{\bar{x}}$  - тегишли танлама тўплам арифметик ўртача қиймати ва ўртача квадратик четланиши.

Жуфт корреляция коэффициентини текшириш учун  $n-2$  эркинлик даражасини  $t$  тақсимотга эга бўлган формула орқали қиймати аниқланади.

Агар  $t_r > t$  бўлса, нолинчи гипотезани қўллаб бўлмайди ва бинобарин бош тўпламда чизиқли корреляция мавжуд. Унинг ишончли таърифи сифатида корреляциянинг чизиқли коэффициенти намоён бўлади.

Жуфт корреляция коэффициентини текшириш учун  $n-2$  эркинлик даражасини  $t$  тақсимотга эга бўлган формула орқали қиймати аниқланади.

Агар  $t_r > t$  бўлса, нолинчи гипотезани қўллаб бўлмайди ва бинобарин бош тўпламда чизиқли корреляция мавжуд. Унинг ишончли таърифи сифатида корреляциянинг чизиқли коэффициенти намоён бўлади. Чизиқсиз боғланишда  $R$  тўплам корреляциясининг индекси ишончлилиги ҳам худди шу усулда текширилади. Бундай ҳолда (4) формуладаги корреляция коэффициенти корреляция индекси  $R$  билан алмаштирилади. Тўплам корреляция коэффициенти  $R$  квадратик хатога эга

$$\sigma_R = \frac{1 - R^2}{\sqrt{n - k - 1}}, \quad (5)$$

бу ерда,  $k$ -регрессия коэффициентлари сони.

Шундай қилиб,  $t$  мезоннинг эмпирик қиймати қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$t_R = \frac{R \sqrt{n - k - 1}}{1 - R^2}, \quad (6)$$

бу ерда,  $n - k - 1$  - эркинлик даражалари сони;

$t_R$  - жадвалдаги қиймати билан солиштирилади;

$n - 2$  - эркин даражалари билан  $t$  тақсимотга эга бўлган

$$t_{a_j} = \frac{a_i}{\sigma_{a_j}}, \quad (7)$$

қиймати асосида регрессия коэффициентларининг ишончлилиги текширилади.

Хозирги вақтда автокорреляция мавжудлигини текширишда Дарбин – Уотсон мезони қўлланади:

$$DW = \frac{\sum_{i=1}^{n-1} (Y_i - Y_{i-1})^2}{\sum_{i=1}^{n-1} Y_i^2}$$

$DW$  мезоннинг мумкин бўлган қийматлари 0-4 оралиқда ётади. Агар қаторда автокорреляция бўлмаса, унинг қийматлари 2 атрофида тебранади. Ҳисоблаб топилган ҳақиқий қийматлари жадвалдаги қритик қиймат билан таққосланади.

Агарда  $DW_{\text{хак}} < DW_{\text{паст}}$  бўлса, қатор автокорреляцияга эга;  $DW_{\text{хак}} > DW_{\text{юкори}}$  бўлса у автокорреляцияга эга эмас;  $DW_{\text{паст}} < DW_{\text{хак}} < DW_{\text{юкори}}$  бўлса, автокорреляция мавжудлигини текширишни давом эттириш лозим. Бу ерда  $DW_{\text{паст}}$  ва  $DW_{\text{юкори}}$  – мезоннинг қуви ва юқори чегаралари. Салбий автокорреляция мавжуд (минус ишорага эга) бўлса, у ҳолда мезон қийматлари 2–4 орасида ётади, демак, текшириш учун  $DW = 4 - DW$  қийматларини аниқлаш керак


### Гомоскедатлик ва гетероскедатликни аниқлаш учун тестлар

“Энг кичик квадратлар” усулининг эконометрик моделлардаги параметрларни баҳолашда қолдиқлар квадратлари йигиндисининг минимумга интилишига асосланади. Шунинг учун регрессиянинг қолдиқ қийматларини кўриб чиқиш муҳим аҳмият касб этади.

“Энг кичик квадратларининг” учинчи тахмини **гомоскедатликка** тегишли бўлиб, у ҳар бир  $X$  учун қолдиқнинг дисперсияси бир хил бўлиши эканлигини англатади. Бу тахмин, масалан  $X$  нинг катта қийматлари учун қолдиқ дисперсиясини имкони, худди кичик қийматлардаги каби деган тасдиқ билан келишилади.

**Гомоскедатлик шарти:**  $\text{Var}(\varepsilon_i) = \sigma^2$

Агар юқоридаги “энг кичик квадратлар усули” нинг қўлланиш шарти бажарилмаса, бунда гетероскедатлик ҳолати ҳосил бўлади. Гетероскедатлик регрессия тенгламасининг параметрлари самарадорлигини пасайишига таъсир қиласди.



Регрессия тенгламасини таҳлил қилишда эластик коэффициентларидан фойдаланилади. Бу коэффициент ( $\beta$ ) омил белгининг ўртача неча фоиз ўзгаришини ифодалайди:

$$\mathcal{E} = a_1 * \frac{\bar{x}}{\bar{y}}$$

бу ерда

$$a_1 = \mathcal{E} * \frac{\bar{y}}{\bar{x}}$$

Агар натижавий ва омил белгиларининг қўшимча ўсиш суръатлари бир хилда бўлса, у ҳолда эластик коэффициенти бирга тенг бўлади ( $\mathcal{E} = 1$ ).

Агар омил белгининг қўшимча ўсиш суръати натижавий белгининг қўшимча ўсиш суръатидан юкори бўлса, у ҳолда бу коэффициент бирдан кичик бўлади ( $\mathcal{E} < 1$ ) ва аксинча ( $\mathcal{E} > 1$ ).

Фақат боғланишнинг кўрсаткичли  $y = a_0x^{a_1}$  ифодаси учун эластиклик коэффициенти ўзгармас микдор бўлади, яъни  $\mathcal{E} = a_1$ .

### **Кириш: Гетероскедастиклик нима?<sup>13</sup>**

Гомоскедастиклик ва гетероскедастиклик сўзларининг дастлабки таърифи билан бошланса яхши бўлар эди. Баъзи муаллифлар аввалдан келтирилган гомоскедастикликни турлича таърифлаган. Лекин, Маккуллок (1985) гомоскедастиклик сўзи юончадан келиб чиққанлиги ҳақиқатига асосланиб, бу ихтилофни гомоскедастиклик фойдасига ҳал қилган кўринади. Бизнинг ўқув тажрибамиздан шуни англадикки, талабалар гетероскедастиклик терминидан негадир “қўрқишида” ва иқтисоднинг қийинлигини намойиш қилмоқчи бўлган пайтда улар бу атамадан жуда кўп фойдаланиш кераклигини кўрсатишида. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, бу сўзниң аниқ маъносини ва келиб чиқишини ойдинлаштириш зарур. Ижобий жиҳатдан Стюдентманд (2001) жуда чиройли тарзда, талаффуз қилиш қийин бўлсада, ота-оналар хамма пулга нимани ўргандинг?, деб сўраганда, албатта таъсирчан жавоб беришини таъминлайди.

Иккита сўзни икки қисмга бўлиш мумкин. Юонча сўзларнинг 1-қисмида Гомо (бир хил ёки тенг маъноларини англаради), юонча сўзларнинг 2-қисми sedastic (тарқатиш, сотиш ва ҳ.к.). Шундай қилиб, гомоскедастиклик тенг тақсимлаш, гетероскедастиклик эса тенг бўлмаган тақсимланиши билдиради.

Эконометрикада тақсимланиш ўлчови учун вариантлилиқдан фойдаланамиз.

Чизиқли регрессия классик моделининг 4-5-бобларида назарда тутилган тақлифларга асосланган ҳолда, бузилишлар  $i$  га номуносиб равишда доимий (тенг) дисперсияга эга бўлиши лозим. Тенглама қуйидаги математик шаклда келтирилади:<sup>14</sup>

<sup>13</sup>Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. -p.101

<sup>14</sup>Гетероскедастиклик кўпинча кўндаланг кесимни тузатишда таҳлил қилинганлиги сабабли, биз бу бобнинг катта қисмida ўзгарувчиларни индекслаймиз.

$$\text{var}(u_i) = \sigma^2 \quad (7.1)$$

Шунинг учун, тенг фарқ бўлган бузилишлар гомоскедастиклик деган маънони англатади. Шу билан бирга, кўпчилик тахминлар бузилиш ҳолатлари регрессион тахлилларда учрайди. (Умумий ҳолатда гетероскедастиклик кўндаланг кесимли доираларда жойлашиш эҳтимоли кўпроқ. Лекин, бу гетероскедастикликнинг вақтли қаторлар моделларида бўлиши мумкин эмас, деган маънони англатмайди).


Бундай ҳолатларда биз гомоскедастиклик тахминлари бузилди деб айта оламиз ва хатолар шартлари дисперсияси айнан қайси кузатиш муҳокама қилинаётганлигига боғлиқ бўлади, айнан:

$$\text{var}(u_i) = \sigma_i^2 \quad (7.2)$$


(7.1) ва (7.2) ўртасидаги ягона фарқ  $i$  индекснинг  $\sigma^2$  га бириктирилганлигига аҳамият беринг, яъни  $i = 1, 2, 3, \dots, n$  қўринишдаги турли кузатиш учун дисперсия ўзгариши мумкин деган маънони англатади. Буни янада аниқ қилиш учун, регрессия моделининг қўйидаги қўринишдаги оддий икки ўзгарувчисига қайтиш фойдалидир:

$$Y_i = \alpha + \beta X_i + u_i \quad (7.3)$$

Биринчидан, 7.1-расмда келтирилган тўплам регрессия чизиги графигини кўриб чиқамиз ва уни 7.2-расм билан солиштирамиз. 7.1-расмдаги нуқталар  $X(X_1 < X_2 < X_3)$  нинг турли қийматларига тегишли бўлсада,  $Y$  га таъсир кўрсатади. Улар регрессия чизиги устида ва остида тенг тарқалиши билан регрессия чизиги атрофида яқиндан жамланган (яъни, тенг тарқалган = гомоскедастик).




7.1 расм. Доимий дисперсия маълумотлари



7.2 расм. Ўсиб борувчи дисперсия гетероскедастиклигига мисол

Бошқа томондан, 7.2-расмдаги  $X_1$ ,  $X_2$  ва  $X_3$  лар  $X$  нинг турли хил мазмунларига боғлиқ, лекин бу сафар аниқки, қанчалик  $X$  нинг мазмунин юқори бўлса, шунчалик чизиқ атрофидаги тезлик юқори бўлади. Бу ҳолатда тарқалиш ҳар бир  $X_i$  дан бошқача ёки тенг эмас ҳисобланади (регрессия чизиги устидаги ва остидаги нуқтали чизиқдан берилган), шундай қилиб биз гетероскедастикликка эга бўламиз. Энди тушунарлики, 7.3-расмда биз қарама-қатши ҳолатга эгамиз (паст  $X_i$  учун дисперсия юқори). Гетероскедастиклик биринчи мисоли даромад ва истеъмол моделлари нуқтаи назаридан берилган бўлиши мумкин

Кам даромад оловчи одамлар катта харажатлар қилиш тарафдори эмас. Уларнинг даромадлари катта қисми озиқ-овқат олишга, кийинишга ва транспортга сарфланади. Даромаднинг паст босқичларида, истеъмол моделлари кўп фарқ қилмайди ва тарқалиш кўпроқ ёки камроқ паст бўлади. Бошқа томондан, бой одамларнинг кўпроқ сарфлашга имконияти ва хоҳиши мавжуд.



7.3-расм. Пасаювчи дисперсияли гетероскедастикка мисол

### 3.5. Эконометрик моделларни баҳолаш

“Энг кичик квадратлар” усулининг биринчи икки тахмини шундан иборатки,  $X$  нинг хар бир қиймати учун  $\varepsilon$  қолдиқ нол қиймат атрофида меъёрий тақсимланган. Тахмин қилинадики,  $\varepsilon_i$  узлуксиз миқдор ҳисобланиб, ўртача атрофида симметрик тақсимлангандаға ўзгаради ва унинг тақсимланиши 2 ўлчам ўртачаси ва вариацияси ёрдамида аниқланади.

Демак биринчи тахмин:  $\varepsilon_i$  - меъёрий тақсимланган.

Иккинчи тахмин:  $E(\varepsilon_i) = 0$  - ўртача қолдиқ нолга тенг.

Хақиқатда биз стохастик қолдиқни ҳар бир қийматини, кўпгина сабаблар натижаси сифатида кўришимиз мумкинки, бунда ҳар бир сабаб боғлиқ ўзгарувчини, у детерминистик ҳисобланиши мумкин бўлган қийматдан сезиларсиз тарзда оғдиради.

Бундай кўздан кечиришда ўлчаш хатоси ўхшаш билан тақсимот хатоси тўғри ва шунинг учун ўртача хатони меъёрийлигини ва нолга тенглиги ҳақида тахминлар ўхшаш.

Тўртинчи тахмин: қолдиқдаги автокорреляция билан боғлиқ. Тахмин қилинадики, хатолар орасида автокорреляция йўқ, яъни автокорреляция мавжуд эмас:

$$Cov(\varepsilon_i, \varepsilon_j) = 0, (i \neq j)$$

Бу тахмин шуни англатадики, агар бугун натижадаги ишлаб чиқариш кутилгандан кўп бўлса, бундан эртага ишлаб чиқариш кўп (ёки кам) бўлади деган холосага келиш керак эмас. Биринчи ва тўртинчи тахмин биргаликда эҳтимоллик нуқтаи-назаридан, тақсимот хатолари боғлиқ эмас дейиш имконини беради. Шунинг учун  $\varepsilon_1, \varepsilon_2, \dots, \varepsilon_n$  ўзгарувчини ўхшаш ва эркин тақсимланиши сифатида қаралиши мумкин.

$E(\varepsilon_i) = 0$  бўлгани учун

$$Var(\varepsilon_i) = E(\varepsilon)^2.$$

Бундан

$$Cov(\varepsilon_i, \varepsilon_j) = E(\varepsilon_i \varepsilon_j).$$

Бешинчи тахмин:  $X$  эркин ўзгарувчи стохастик эмаслигини тасдиқлайди. Бошқача қилиб айтганда,  $X$  нинг қийматлари назорат қилинади ёки бутунлай прогноз қилинади. Бу тахминни муҳим қўлланилиши шундан иборатки,  $i$  ва  $j$  нинг барча қийматлари учун

$$E(\varepsilon_i, X_j) = X_j E(\varepsilon_i) = 0.$$

### 3.6. Вақтли қаторлар ва уларни прогнозлаш

#### 3.6.1. Вақтли қаторлар тўғрисида умумий тушунчалар.

Ижтимоий-иктисодий ҳодисаларнинг вақт давомида ўзгариши динамика деб, шу жараённи таърифловчи кўрсаткичлар қатори эса **вақтли қаторлар** деб юритилади.

Ходисаларнинг вақт давомида ўзгаришини таърифловчи статистик кўрсаткичлар қатори **вақтли қатор** деб юритилади.

Вақтли қаторлар икки элементдан таркиб топади: бири вақт моментлари ёки даврлар, иккинчиси - уларга тегишли кўрсаткичлар.

Вақтли қаторлар узоқ муддатли тенденция, айрим даврларга хос циклик ёки локал ўзгаришлар, кундалик тебранишлар ва мавсумий ўзгаришларни ўзида мужассамлаштириши мумкин. Вақтли қаторлар қуидагилар билан характерланади:

1. Узоқ муддатли ҳаракат йўналиши, яъни умумий асрий тенденция.
2. Қисқароқ даврларга хос циклик ёки локал ўзгаришлар.
3. Айрим йилларга тегишли тебранишлар.
4. Мавсумий тўлқинлар.
5. Конъюнктуравий тебранишлар.

Вақтли қаторлар таҳлилида ҳисобланадиган кўрсаткичлар:

**1. Мутлақ қўшимча ўсиш ёки камайиш** - ҳар қайси кейинги давр даражасидан бошланғич ёки ўзидан олдинги давр даражасини айриш йўли билан аниқланади.

$$\Delta_{i/i-1} = Y_i - Y_{i-1}, \dots, \Delta_{i/i_0} = Y_i - Y_0.$$

**2. Ўсиш ёки камайиш коэффициенти ёки суръати** ( $K_{\ddot{y}.k.}$ ) - ҳар қайси кейинги давр даражаси бошланғич ёки ўзидан олдинги давр даражасига нисбатан қанча марта катта ёки кичик эканлигини ёки қанча фоиз ташкил этишини кўрсатади.

$$K_{i/i-1} = Y_i / Y_{i-1}; T_{i/i-1} = Y_i \cdot 100 / Y_{i-1}; K_{i/i_0} = Y_i / Y_0; T_{i/i_0} = Y_i \cdot 100 / Y_0.$$

**3. Қўшимча ўсиш (камайиш) суръати** ( $\Delta$ ) ҳам икки усулда аниқланиши мумкин. Биринчи усулда ҳар бир кейинги давр даражасидан бошланғич давр даражаси айрилиб, 100 га кўпайтирилади ва бошланғич давр даражасига бўлинади.

$$\Delta_{i/i_0} = \frac{\sum(Y_i - Y_0) \cdot 100}{Y_0}$$


**4. 1% қўшимча ўсиш (камайиш) нинг мутлақ қиймати** – мутлақ қўшимча ўсиш қиймати занжирсимон қўшимча ўсиш суръатига бўлинади.

$$\Delta_{i/i-1} : \Delta_{T_{i/i-1}}$$

### 3.6.2. Мультиплекатив ва аддитив моделларнинг таркибий тузилиши.

Вақтли қаторлар икки элементдан таркиб топади: бири вақт моментлари ёки даврлар, иккинчиси - уларга тегишли кўрсаткичлар. Вақтли қаторлар узоқ муддатли тенденция, айрим даврларга хос циклик ёки локал ўзгаришлар, кундалик тебранишлар ва мавсумий ўзгаришларни ўзида мужассамлаштириши мумкин.

Вақт кўрсаткичидан боғланган ҳолда вақтли қаторлар моментли (маълум бир санага) ва интервалига (маълум бир давр ичida) тасифланади (классификацияланади).



Шунингдек, вақтли қаторлар саналар ўртасидаги оралиқ ва кўрсаткичларни мазмуни бўйича фарқланади. Мазмуни бўйича вақтли қаторлар кўрсаткичлари хусусий ва агрегацияланган кўрсаткичларидан ташкил топади. Хусусий кўрсаткичлар ҳодиса ва жараёнларни ажратиб, бир томонлама характерлайди (масалан, суткада ўртача сув истеъмол қилиш хажми кўрсаткичининг динамикасини): агрегацияланган кўрсаткичлар хусусий кўрсаткичлардан ҳосила ҳисобланади ва ўрганилаётган ҳодиса ва жараённи комплекс характерлайди (масалан, иқтисодий конъюнктурунинг кўрсаткичларини динамикаси)



Кўриниб турибдики, вақтли қаторнинг даражасини шакллантирувчи барча компонентлар учта гурухга бўлинади. Асосий ташкил этувчи бўлиб, тренд ҳисобланади. Ундан трендни ташкил этувчини ажратиб олинганидан кейин мавсумий ва тасодифий компоненталар қиймати қолади.

Агар қаторнинг ташкил этувчиларининг барчаси аниқ топилган бўлса, унда тасодифий компонентанинг математик кутилиши нолга teng бўлади ва унинг ўртача қиймат атрофида тебраниши доимийдир.

Вақтли қаторнинг асосий компонентаси бўлиб **тренд** ҳисобланади. Тренд – бу вақт бўйича қаторни барқарор тенденцияси бўлиб, озми-кўпми тасодифий тебранишлардан таъсиридан озоддир.

### Вақтли қаторларни текислаш усуллари.

Динамика тенденциясини аниқлашнинг энг содда усули **қатор даражалари даврини узайтириш усулидир**. Бу усулда кетма-кет жойлашган қатор даражалари teng сонда олиб кўшилади, натижада узунроқ даврларга тегишли даражалардан тузилган янги ихчамлашган қатор ҳосил бўлади.

**Ўртача сирғалувчи усул** - бу қатор даражаларини бирин-кетин маълум тартибда суриш йўли билан ҳисобланган ўртача даражадир. Ўртача сирғалувчи усулда қатор кўрсаткичларидан доимо teng сонда олиб, улардан оддий арифметик

ўртача ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Уларни тоқ ёки жуфт сонда олинадиган қатор кўрсаткичлари асосида ҳисобалаш мумкин.

Ўртача сирғалувчи усул ўртача қийматни аниқлаш вақтида тасодифий четланишларнинг ўсиш ҳолатига асосланади. Ўртача фактик қийматлар қаторлари динамикаси текисланаётган вақтда сирғанишнинг ўртача нуқта даврини кўрсатадиган ўртача қийматлар билан алмашинади. Одатда ўртача сирғанувчи усулнинг икки модификациясидан, яъни оддий ва вазнили текислашдан фойдаланилади.

Оддий тенглаштириш ўрталикдаги  $p$  узунликдаги вақт учун оддий ўрта арифметик ҳисоблашдан тузилган янги қатор тузишга асосланади:

$$y_k = \frac{\sum_{t=k}^{p+k} y_t}{p} \quad (k = 1, 2, \dots, N-p+1), \quad (1)$$

бу ерда,  $p$  – тенглаштириш даври узунлиги вақтли қаторлар характерига боғлиқ бўлади;

$k$  – ўртача қийматнинг тартиб номери.

Вазнили тенглаштириш турли нуқтадаги қаторлар динамикаси учун вазнили ўртача қийматларни ўртачалаштиришдан иборат.

Биринчи  $2p+1$  қаторлар динамикасини олиб кўрайлик ( $p$  одатда 1 ёки 2 га teng). Тенденциялар функцияси сифатида қандайдир:

$$y_t = \sum_{i=0}^k a_i t^i \quad (2)$$

(2) тўла даражасини олайлик.

Унинг параметрлари

$$a_0 \sum_{-p+1}^{p+1} t^i + a_1 \sum_{-p+1}^{p+1} t^{i+1} + \dots + a_k \sum_{-p+1}^{p+1} t^{i+k} = \sum_{-p+1}^{p+1} y_i t^i \quad (3)$$

тенгламаси ёрдамида энг кичик квадратлар усули билан аниқланади.

Кўпхад (полином) ўртача даражаси  $p+1$  нуқтасига жойлашган.  $a_0$  га нисбатан тенгламани ечсак:

$$a_0 = b_1 y_1 + b_2 y_2 + \dots + b_{2p+1} y_{2p+1} \quad (4)$$

ҳосил қиласиз. Бу ердаги  $b_i$  қиймати  $p$  ва  $k$  моҳиятига боғлиқ бўлади. Ҳосил бўлган тенглама (4) биринчилардан  $2p+1$  қаторлар динамикаси қийматининг вазнили ўртача қиймат арифметикаси ҳисобланади.

Вақтли қаторларда одатда уч кўринишдаги тенденция ажратилади. Ўрта даражада тенденцияси одатда математик тенглама ёрдамида ифодаланган тўғри чизиқнинг атрофида изланаётган ҳодисанинг ўзгараётган хақиқий даражасини ифодалайди:

$$Y_t = f_t + \varepsilon_t$$

Бу функциянинг мазмуни шундаки, тренднинг қийматлари вақтнинг айрим моментларида динамик қаторнинг математик кутилиши бўлади.

Дисперсия тенденцияси қаторнинг эмпирик даражалари ва детерминалланган компонентаси ўртасидаги фарқни ўзгариш тенденциясини

характерлайди. Автокорреляция тенденцияси динамик қаторнинг алоҳида даражалари ўртасидаги алоқаларни характерлайди

Изланаётган тренд тенгламасини танлашда **соддалик тамойилига** амал қилиш керак ва у бир неча хилдаги чизиқлардан эмпирик маълумотларга энг яқинини (бир мунча соддасини) танлашдан иборат бўлади. Буни шу билан яна асослашадики, чизиқли тренднинг тенгламаси қанча мураккаб бўлса ва у қанча кўп параметрларни ўз ичига олса, уларнинг яқинлаш даражаси тренд бўлганида ҳам бу параметрларни ишончли баҳолаш шунча қийинлашиб боради.

Амалиётда кўпинча асосий кўринишдаги вақтли қаторлар трендларидан фойдаланилади. Худди шунингдек, тенденциялар типлари ва тренд тенгламалари ҳам бўлинади.

Эконометрик изланишларда танланган модел бўйича юқорида санаб ўтилган ҳар бир компонентани **микдорий таҳлили** ўtkазилади.

Трендни ажратиб олишдан аввал, унинг мавжудлиги тўғрисидаги гипотезани текшириш зарур. Амалда тренднинг мавжудлигини текшириш учун бир нечта мезонлар мавжуд, аммо асосий бўлиб, юқоридаги схемада келтирилган иккита мезон ҳисобланади.

### **Тренднинг мавжудлигини текшириш учун мезонлар:**

1) Бир қаторнинг икки қисмини ўртачаларини айрмаси усули. Ўртачалар айрмасини мавжудлиги ҳақидаги гипотеза текшириллади: Бунинг учун вақтли қатор икки тенг ёки деярли тенг қисмларга бўлинади. Гипотезани текшириш мезони сифатида Стыюдент мезони қабул қилинади. Агар  $t \geq t_\alpha$ , бўлса, бунда  $t$ -Стыюдент мезонининг ҳисобланган қиймати;  $t_\alpha$ - моҳиятлилик даражаси  $\alpha$  - жадвалдаги қиймат, унда тренднинг мавжуд эмаслиги ҳақидаги гипотеза инкор этилади; агарда  $t < t_\alpha$  бўлса, у ҳолда ( $H_0$ ) гипотеза қабул қилинади

2) Фостер-Стюарт усули. Ҳодисанинг тенденцияси ва вақтли қатор даражаларининг дисперсиясини трендини мавжудлиги аниқланади. Кўпинча бу усул вақтли қаторни чуқур таҳлил қилишда ва уни бўйича прогнозларни тузишда қўлланилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Вақтли қатор деб нимага айтилади?
2. Вақтли қаторлар вариацион қаторлардан қандай хусусиятлари ва аломатлари билан фарқ қиласидилар?
3. Вақтли қаторларни қандай усуллар билан текислаш мумкин?
4. Ўртача сирғалувчан усул нима ва қачон қўлланади?
5. Автокорреляция нима ва у қандай таҳлил қилинади?
6. Мультиколлениеарлик нима ва у корреляцион боғланиш натижаларига қандай таъсир этади ҳамда қайси йўл билан уни бартараф қилиш мумкин?
7. Вақтли қаторларда корреляцион-регрессион таҳлил усулларини қўллаш шарт-шароитларини тушунтириб беринг?
8. Таклиф ва бошқа бозор иқтисодиёт қонунлари намоён бўлишини ўрганишда регрессион таҳлил усулларидан фойдаланиш тартибини мисолларда тушунтириб беринг.

9. Автокорреляция қачон вужудга келади?
10. Автокорреляцияни неча хил усул ёрдамида бартараф этиш мумкин?
11. Эконометрик моделни реал үрганилаётган жараёнга мос келишини қайси мезон ёрдамида аниқлаш мумкин?
12. Эконометрик моделдаги параметрлардан бирортаси ишончсиз бўлса, уни нима қилиш мумкин?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Махсус адабиётлар**

1. Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. 410 p.
2. Econometrics Streamlined. Applied and e-Aware Francis X. Diebold University of Pennsylvania Edition, 2016 .Version Thursday 17th March, 2016.
3. Introductory Econometrics. A Modern Approach. Fifth Edition. Jeffrey M. Wooldridge. Michigan State University, 2013.
4. Introductory Econometrics for Finance. Second edition. Chris Brooks The ICMA Centre, University of Reading, 2015.

### **Интернет сайтлари**

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
3. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-амалий машғулот:** Амалий эконометрика фанининг предмети, методи ҳамда тадқиқот усуллари.

### **СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШГУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ**

Эндоген ва экзоген омиллар. Эконометрик моделларни тузишга бўлган талаблар. Ковариация коэффициенти ва уни ҳисоблаш усули. Корреляция коэффициентини ҳисоблаш услуби ва ўзгариш интерваллари. Корреляция коэффициентини аҳамиятини Стыодент мезони бўйича баҳолаш

#### **1-амалий машғулот учун масалалар.**

**1-масала. Қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар асосида:**

- 1)  $y = a + bx$  регрессия тенгламасининг  $a$  ва  $b$  параметрлари ҳисоблансин;
- 2)  $Y$  ва  $X$  кўрсаткичларнинг боғлиқлик зичлигини аниқловчи корреляция коэффициенти ( $r_{xy}$ ) ҳисоблансин;
- 3) Аппроксимациянинг ўртача хатоси ҳисоблансин;
- 4) Эластиклик коэффициентини ( $\beta$ ) ҳисоблансин.

<b><i>n</i></b>	<b><i>Y</i></b>	<b><i>X</i></b>
1	27	18
2	29	21
3	28	23
4	30	22
5	32	24
6	33	23
7	31	26
8	35	28
9	34	31
10	36	32

**2-масала. Қуйидаги маълумотлар келтирилган.**

<b><i>n</i></b>	<b><i>P</i></b>	<b><i>Q_d</i></b>	<b><i>Q_s</i></b>
1	24,9	64,3	35,9
2	25,3	63,2	38,9
3	26,9	61,7	41,8
4	27,3	60,3	43,7
5	29,1	55,4	49,6
6	30,5	53,2	50,7
7	31,6	51,4	52,9
8	32,4	48,3	56,9
9	32,9	47,5	59,8
10	33,8	43,3	62,8
11	34,2	42,1	63,7
12	34,7	40,8	63,9
13	35,5	39,4	70,1
14	35,9	38,4	70,4
15	36,2	37,5	70,8

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қуйидагилар аниқлансин:

- 1) Талаб ва Таклиф ҳажмининг баҳога нисбатан қуйидаги кўринишдаги  $Q_d = a_0 + a_1 \cdot P$  ва  $Q_s = b_0 + b_1 \cdot P$  чизиқли эконометрик модели тузилсин.
- 2) Мувозанат баҳо ( $P^*$ ) ва мувозанат сотиши ҳажми ( $Q_d = Q_s$ ) аниқлансин.
- 3) Талаб ҳажми ва баҳо ўртасида, таклиф ҳажми ва баҳо ўртасида корреляция коэффициентлари ҳисоблансин.
- 4) Талаб ҳажми ва баҳо ўртасида, таклиф ҳажми ва баҳо ўртасида эластилик коэффициентлари ҳисоблансин.
- 5) Талаб ва таклиф ҳажмининг баҳога нисбатан графиклари акс эттирилсин.

**3-масала. Берилган маълумотлар асосида тавсифий статистика амалга оширилсин.**

n	X	Y
1	1,8	5
2	2,6	8
3	1,5	9
4	2,3	10
5	2,5	7
6	1,7	6
7	2,7	5
8	1,8	8
9	2,2	9
10	1,5	12

**4-масала.** Шоколад ишлаб чиқарувчи фирманинг раҳбарияти ўзининг кўпдан буён ишлаб чиқараётган машхур шоколад маркасини сотишини прогнозлаш бўйича моделини яратишга манфаатдор. Ушбу фирма фаолиятининг 2000-2016 йиллар бўйича қуйидаги маълумотлари келтирилган:

Вақт	Сотиши ҳажми, млн. сўм, $Y$	Реклама харажатлари, млн. сўм, $X_1$	Бир бирлиги баҳоси, $X_2$	Рақобатчининг бир бирлик маҳсулоти баҳоси, $X_3$	Истеъмол харажатлари индекси, $X_4$
2000	126	4,0	15,0	17,0	100,0
2001	137	4,8	14,8	17,3	98,4
2002	148	3,8	15,2	16,8	101,2
2003	191	8,7	15,5	16,2	103,5
2004	274	8,2	15,5	16,0	104,1
2005	370	9,7	16,0	18,0	107,0
2006	432	14,7	18,1	20,2	107,4
2007	445	18,7	13,0	15,8	108,5
2008	367	19,8	15,8	18,2	108,3
2009	367	10,6	16,9	16,8	109,2
2010	321	8,6	16,3	17,0	110,1
2011	307	6,5	16,1	18,3	110,7
2012	331	12,6	15,4	16,4	110,3
2013	345	6,5	15,7	16,2	111,8
2014	364	5,8	16,0	17,7	112,3
2015	384	5,7	15,1	16,2	112,9

Ушбу маълумотлар асосида шоколад ишлаб чиқарувчи фирма учун сотишни энг тўғри аниқловчи моделни топинг.

Олинган натижаларни барча мезонлар бўйича текшириб кўринг:

- регрессия тенгламасини Фишернинг F-мезони бўйича;
- регрессия коэффициентларини Стыодентнинг t-мезони бўйича;
- натижавий кўрсаткичда автокорреляциянинг мавжудлигини Дарбин-Уотсон DW-мезони бўйича;
- барча омиллар бўйича эластиклик коэффициентлари ҳисоблансин ва иқтисодий таърифи берилсин;
- барча омиллар орасида жуфт, хусусий ва кўпликдаги корреляция коэффициентлари ҳисоблансан;
- детерминация коэффициентлари ҳисоблансан ва уларнинг иқтисодий маъноси аниқлансан;
- 2017-2020 йилларга сотиш ҳажмини энг яхши эконометрик модел бўйича прогноз қилинсан.

**2-амалий машғулот: Эконометрик моделларни тузиш, баҳолаш ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш**

### **СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШГУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ**

Регрессия коэффициентларини “Энг кичик квадратлар усули” ёрдамида ҳисоблаш. Чизиқли ва чизиқсиз кўп омилли регрессион боғланишлар. Эластиклик коэффициентларини ҳисоблаш. Эконометрик моделларни баҳолаш. Автокорреляцияни пайдо бўлиши сабаблари ва бартараф этиш йўллари.

#### **2-амалий машғулот масалалари.**

#### **1-масала. Қуйидаги маълумотлар берилган**

<i>t</i>	<i>Y</i>	<i>X</i> <sub>1</sub>	<i>X</i> <sub>2</sub>	<i>X</i> <sub>1</sub> <sup>2</sup>	<i>X</i> <sub>2</sub> <sup>2</sup>	<i>X</i> <sub>1</sub> * <i>X</i> <sub>2</sub>	<i>X</i> <sub>1</sub> * <i>Y</i>	<i>X</i> <sub>2</sub> * <i>Y</i>	<i>Y</i> <sub>ҳисоб</sub>	A	B	C	D	<i>t</i> <sup>2</sup>	<i>t</i> * <i>X</i> <sub>1</sub>	<i>t</i> * <i>X</i> <sub>2</sub>	
1	17,8	2,6	30,2														
2	15,4	5,8	31,4														
3	20,3	10,4	29,8														
4	25,7	6,4	27,4														
5	22,6	5,4	30,4														
6	20,3	3,4	25,6														
7	28,6	4,9	22,1														
8	31,7	5,8	20,8														
9	30,3	7,5	16,9														
10	28,1	10,6	21,8														
11	24,9	11,3	25,7														
12	31,0	15,7	30,8														
13	33,9	12,6	35,7														
14	36,8	11,9	40,3														
15	32,4	14,7	29,7														

Жадвалдаги A, B, C, D устунларни ҳисоблаш формулалари қўйида келтирилган:

$$A = (Y_i - \bar{Y})^2, B = (X_{1i} - \bar{X}_1)^2, C = (X_{2i} - \bar{X}_2)^2, D = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \left| \frac{Y_i - Y_{\text{ҳисоб}}}{Y_{\text{ҳисоб}}} \right|^2$$

Ушбу маълумотлар асосида:

1. Қуйидаги кўринишдаги кўп омилли эконометрик моделни тузинг

$$Y = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2$$

Моделдаги номаълум  $a_0, a_1, a_2$  параметрларни топиш учун қуидаги нормал тенгламалар системасидан фойдаланинг:

$$\begin{cases} n \cdot a_0 + a_1 \cdot \sum X_1 + a_2 \cdot \sum X_2 = \sum Y \\ a_0 \cdot \sum X_1 + a_1 \cdot \sum X_1^2 + a_2 \cdot \sum X_1 \cdot X_2 = \sum X_1 \cdot Y \\ a_0 \cdot \sum X_2 + a_1 \cdot \sum X_1 \cdot X_2 + a_2 \cdot \sum X_2^2 = \sum X_2 \cdot Y \end{cases}$$

2. Омилар ўртасида хусусий, жуфт ва кўплиқдаги корреляция коэффициентларини ҳисобланг.

Хусусий корреляция коэффициентлари:

$$r_{x_j y} = \frac{\overline{x_j \cdot y} - \overline{x_j} \cdot \overline{y}}{\sigma_{x_j} \cdot \sigma_y}$$

Жуфт корреляция коэффициентлари:

$$r_{x_i x_j} = \frac{\overline{x_i \cdot x_j} - \overline{x_i} \cdot \overline{x_j}}{\sigma_{x_i} \cdot \sigma_{x_j}}$$

Кўплиқдаги корреляция коэффициенти:  $R_{yx_1 x_2} = \frac{r_{yx_1}^2 + r_{yx_2}^2 - 2r_{yx_1} r_{yx_2} r_{x_1 x_2}}{1 - r_{x_1 x_2}^2}$

3. Детерминация коэффициентини ҳисобланг ва унинг иқтисодий маъносини батафсил ёзинг.

4. Таъсир этувчи омиллар бўйича эластиклик коэффициентларини ҳисобланг:

$$\vartheta_{x_j} = a_j \cdot \frac{\overline{x_j}}{\overline{y}}$$

5.  $X=f(t)$  кўринишидаги тренд эконометрик моделни тузинг. Яъни

$$x_j = b_0 + b_1 \cdot t$$

Тренд кўринишидаги эконометрик моделдаги  $b_0$  ва  $b$  параметрларни топиш учун қуидаги нормал тенгламалар системасидан фойдаланинг:

$$\begin{cases} n \cdot b_0 + b_1 \cdot \sum t = \sum x_j \\ b_0 \cdot \sum t + b_1 \cdot \sum t^2 = \sum t \cdot x_j \end{cases}$$

## 2-3-масалалар шартлари 1-масаладагидек бўлади.

### 2-масала.

$t$	$X_1$	$X_2$	$Y$	$X_1^2$	$X_2^2$	$X_1 \cdot X_2$	$X_1 \cdot Y$	$X_2 \cdot Y$	A	B	C	D	$t^2$	$t \cdot X_1$	$t \cdot X_2$
1	0,7	5	30,7												
2	0,9	4	34,3												
3	1,3	3	29,7												
4	2,8	8	23,4												
5	4,1	7	21,3												
6	5,2	10	25,7												
7	4,9	14	22,9												
8	5,2	21	28,6												
9	5,9	19	30,3												
10	6,1	15	24,4												
11	5,5	8	32,1												
12	6,2	11	31,4												
13	6,7	19	30,9												
14	7,3	22	35,2												
15	7,0	25	32,4												

### 3-масала.

$t$	$Y$	$X_1$	$X_2$	$X_1^2$	$X_2^2$	$X_1 * X_2$	$X_1 * Y$	$X_2 * Y$	A	B	C	D	$t^2$	$t * X_1$	$t * X_2$
1	35,8	6,4	0,7												
2	32,9	9,8	0,5												
3	30,3	10,2	1,4												
4	28,4	15,4	1,7												
5	26,7	11,9	2,5												
6	27,1	18,2	3,0												
7	29,3	19,6	4,4												
8	31,5	21,4	5,6												
9	32,8	20,3	7,7												
10	34,3	16,2	9,3												
11	36,9	18,7	8,5												
12	42,1	19,6	7,9												
13	40,5	15,9	10,7												
14	41,3	18,5	9,3												
15	42,0	23,2	11,1												

### 4-масала. Вақтли қаторлар.

Йиллар	Сотиши хажми, млн. сүм, $Y$	Абсолют қўшимча ўсиш		Нисбий қўшимча ўсиш		Ўсиш суръати		$t$	$t^2$	$t * Y$	$Y_{\text{хис.}}$	$\frac{Y_i - Y_{\text{his}}}{Y_i}$
		Базис-ли	Занжир-ли	Базис-ли	Занжир-ли	Базис-ли	Занжир-ли					
2001	165,0	-	-	-	-	-	-	1				
2002	187,0							2				
2003	219,8							3				
2004	205,0							4				
2005	200,0							5				
2006	193,0							6				
2007	215,0							7				
2008	230,0							8				
2009	235,0							9				
2010	228,0							10				
2011	202,0							11				
2012	198,0							12				
2013	225,0							13				
2014	228,0							14				
2015	248,0							15				

Жадвал маълумотлари асосида:

1. Абсоют қўшимча ўсишни қўйидаги формула бўйича ҳисобланг

Мутлақ қўшимча ўсиш ёки камайиш - ҳар қайси кейинги давр даражасидан бошланғич ёки ўзидан олдинги давр даражасини айриш йўли билан аниқланади.

Базисли -  $\Delta_{i/i_0} = Y_i - Y_{\text{базис}}$

Занжирли -  $\Delta_{i/i-1} = Y_i - Y_{i-1}$ .

2. Нисбий қўшимча ўсишни қўйидаги формула бўйича ҳисобланг

Нисбий қўшимча ўсиш ёки камайиш - ҳар қайси кейинги давр даражасидан бошланғич ёки ўзидан олдинги давр даражасини бўлиб, 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Базисли -  $\Delta_{i/i_0} = (Y_i / Y_{базис}) * 100$

Занжирли -  $\Delta_{i/i-1} = (Y_i / Y_{i-1}) * 100$ .

3. Ўсиш суръатини қуидаги формула бўйича ҳисобланг

Базисли -  $\Delta_{i/i_0} = ((Y_i - Y_{базис}) / Y_{базис}) * 100$

Занжирли -  $\Delta_{i/i-1} = ((Y_i - Y_{i-1}) / Y_{i-1}) * 100$

4.  $X=f(t)$  кўринишидаги тренд эконометрик моделни тузинг. Яъни

$$Y = b_0 + b_1 \cdot t$$

Тренд кўринишидаги эконометрик моделдаги  $b_0$  ва  $b$  параметрларни топиш учун қуидаги нормал тенгламалар системасидан фойдаланинг:

$$\begin{cases} n \cdot b_0 + b_1 \cdot \sum t = \sum Y \\ b_0 \cdot \sum t + b_1 \cdot \sum t^2 = \sum t \cdot Y \end{cases}$$

### 5-масала. Шартлари 4-масаладагидек.

йиллар	Сотиш хажми, млн. сўм, $Y$	Абсолют кўшимча ўсиш		Нисбий кўшимча ўсиш		Ўсиш суръати		t	$t^2$	$t^*Y$	$Y_{хис.}$	$\frac{Y_i - Y_{his}}{Y_i}$
		Базис- ли	Занжир- ли	Базис- ли	Занжир- ли	Базис- ли	Занжир- ли					
1996	195,0	-	-	-	-	-	-	1				
1997	209,8							2				
1998	219,8							3				
1999	201,0							4				
2000	259,0							5				
2001	310,0							6				
2002	280,0							7				
2003	235,0							8				
2004	242,0							9				
2005	277,0							10				
2006	325,0							11				
2007	346,0							12				
2008	270,0							13				
2009	300,0							14				
2010	280,0							15				

3-амалий машғулот: Ишлаб чиқариш функциялари. Прогнозлашда эконометрик моделлардан фойдаланиш

### СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШГУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ

Ишлаб чиқариш функциялари. Кобба-Дуглас функцияси. Ишлаб чиқариш функцияси характеристикалари. Иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда эконометрик моделлардан фойдаланиш. Прогнозлаш функциялари. Прогнозлаш усуллари: эксперт баҳолаш, экстраполяция, тренд, имитацион, сценарий. Эконометрик тенгламалар тизими ёрдамида прогнозлаш усули

### 3-амалий машғулот масалалари.

#### 1-масала. Ишлаб чиқариш функциялари.

t	Маҳсулот миқдори, Y	Ишчи кучи, L	Асосой фондлар қиймати, K
1	120,3	110,8	27,1
2	245	230	30
3	342	320	36,6
4	461	440	36,6
5	564	550	40,4
6	777	750	40,4
7	812,5	801,5	44,7
8	942	910	44,7
9	1005	980	40,4
10	1080	1010	49,4
11	2100	2000	54,6
12	2200	2050	60,3
13	2250	2200	60,3
14	2340	2310	60,3
15	2410	2390	60,3

Жадвалда келтириган маълумотлар асосида:

- Даражали  $Y = A \cdot K^\alpha \cdot L^\beta$  ишлаб чиқариш функциясини чизиқли  $\ln Y = \ln A + \alpha \cdot \ln K + \beta \cdot \ln L$  функция қўринишига келтиринг.
- Чизиқли ишлаб чиқариш функциясининг  $\ln A, \alpha, \beta$  параметрлари қийматлари ҳисоблансин.
- чизиқли  $\ln Y = \ln A + \alpha \cdot \ln K + \beta \cdot \ln L$  функцияни даражали  $Y = A \cdot K^\alpha \cdot L^\beta$  функциясига келтиринг.
- Ўртacha меҳнат унумдорлиги, ўртacha фонд қайтими, чекли меҳнат унумдорлиги ва чекли фонд қайтими аниқлансин.
- Омиллар ўртасида боғланиш зичликлари аниқлансин.
- Таъсир этувчи омиллар бўйича  $\ln L = a_0 + a_1 \cdot t$  ва  $\ln K = b_0 + b_1 \cdot t$  қўринишидаги тренд моделлар тузилсин.
- Тренд моделлари қийматлари асосида маҳсулот миқдори (Y) 5 йилга прогноз қилинсин.

#### 2-5 масалалар шартлари 1-масаладагидек бўлади.

#### 2-масала.

t	Маҳсулот миқдори, Y	Ишчи кучи, L	Асосой фондлар қиймати, K
1	16,7	3,4	12,4
2	21,8	4,4	12,8
3	30,4	132	13,5
4	35,8	154	14,6
5	36,7	163	15,2
6	39,2	172	15,8
7	41,4	181	16,8
8	45,8	195	17,4

9	52,7	220	18,1
10	60,7	170	19,4
11	77,8	340	20,5
12	82,4	450	20,9
13	105,4	500	21,4
14	115,6	544	22,7
15	140,8	568	23,7

### 3-масала.

t	Маҳсулот миқдори, Y	Ишчи кучи, L	Асосий фондлар қиймати, K
1	80,4	3,4	2,4
2	82,6	4,4	2,6
3	85,4	6,5	3,5
4	89,7	7,6	4,2
5	92,7	8,4	5,6
6	96,7	10,4	5,9
7	102,4	12,6	6,2
8	105,6	14,5	6,5
9	106,7	15,8	7,1
10	108,9	16,4	7,8
11	112,4	17,2	8,2
12	116,5	19,2	8,9
13	119,4	21,4	9,4
14	124,6	22,8	10,2
15	130,5	23,5	10,7

### 4-масала.

t	Маҳсулот миқдори, Y	Ишчи кучи, L	Асосий фондлар қиймати, K
1	5,8	3,4	2,4
2	6,4	4,4	2,6
3	7,3	6,5	3,5
4	7,5	7,6	4,2
5	9,2	8,4	5,6
6	10,5	10,4	5,9
7	13,6	12,6	6,2
8	16,8	14,5	6,5
9	20,4	15,8	7,1
10	26,5	16,4	7,8
11	30,3	17,2	8,2
12	35,4	19,2	8,9
13	39,3	21,4	9,4
14	42,1	22,8	10,2
15	45,7	23,5	10,7

**5-масала.**

t	Маҳсулот миқдори, Y	Ишчи кучи, L	Асосий фондлар қиймати, K
1	6,8	5,6	14,2
2	6,8	5,7	15,3
3	7,2	5,7	15,4
4	9,4	6,3	15,9
5	8,3	6,5	16,4
6	9,5	6,8	16,9
7	10,2	7,4	17,4
8	10,9	7,8	17,4
9	11,7	8,4	17,4
10	12,4	8,6	18,3
11	13,8	8,9	18,9
12	14,4	9,2	19,2
13	15,2	10,5	19,2
14	16,8	11,4	20,5
15	20,7	12,7	20,9

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**“ИЛФОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ” ФЕРМЕР ХҮЖАЛИГИНИНГ ЮҚОРИ ФОЙДАСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРКИБИНИ ҚАНДАЙ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МУМКИН?”**

**Кейс** 5230100 – “Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича)” таълим йўналиши тингловчиларига мўлжалланган.

**Ўқув предмети:** «Амалий эконометрика»

**Кейснинг мақсади:** аниқ корхонада иқтисодий-математик моделлаштириш, таҳлил қилиш (ҳолатни баҳолаш) ва қарор қабул қилиш бўйича тингловчиларнинг кўникмаларини ривожлантиришдан (амалий ҳолатда асосий иқтисодий-математик усуллар ва моделларни қўллаш ва стратегияни ишлаб чиқиши) иборат.

**Куттилаётган ўқув натижалари:** кейс билан ишлаш натижасида тингловчилар қуийдаги малакаларга эга бўладилар:

- иқтисодий-математик моделлаштиришинг предмет соҳасини ифодалайдилар;
- ресурслар, чегаравий шартлар ва функционал алоқалар тўпламини аниқлайдилар;
- корхоналарда ассортимент маҳсулотлар ишлаб чиқариш режасини тузга оладилар;
- корхоналарда чизиқли дастурлаш масалаларининг иқтисодий-математик моделларини яратга оладилар;
- тузилган иқтисодий-математик моделларни компьютерда маълум амалий дастурлаш пакетлари ёрдамида еча оладилар;
- масалаларнинг миқдорий ечимини ҳисоблаб, иқтисодий таҳлил ўтказа олади;
- таҳлил натижалари бўйича оптимал қарорлар қабул қила оладилар.

**Кейсни муваффақиятли ечиш учун тингловчилар қуийдаги билим ва малакаларга эга бўлиши керак:**

- иқтисодий-математик моделлаштириш тамоийларини;
- модел, мезонлар, математик усул, чегаравий шартлар тизими, оптимал дастурлаш усули каби тушунчаларни аниқлай олишлари;
- MS Excel мұхитида ишлаш малакаларига эга бўлишлари;
- объект нуқтаи назаридан тизимни таҳлил қилишни билиши керак.

**Мазкур кейс “Замин” фермер хўжалигининг маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.**

**Кейсда ишлатиладиган маълумотлар манбаи қуийдагилардан иборат:**“Замин” фермер хўжалигининг 2012 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича тадқиқот натижалари ва унинг ҳисоботлари.

**Кейснинг тавсифи:**Мазкур кейс сюжетсиз ҳисобланади. Ушбу кейсдаги вазият корхонанинг таҳлилий кўрсаткичлари асосида тузилган. Кейснинг объекти бўлиб, “Замин” фермер хўжалиги ҳисобланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ хўжалигига хўжалик юритишнинг янги шаклларини тақозо этади. Чунки бозор иқтисодиёти ноаниқлик ва таваккалчилик элементларига эга бўлиб, уларни ўз вақтида баҳолаш ва хўжалик фаолиятига таъсирини камайтириш учун маълум чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Хорижий мамлакатлар тажрибасини шуни кўрсатадики, фермер хўжаликлари томонидан сотиш бозорларини, рақобатчиларни, бозор муҳити ва унда шаклланган нархларни ўрганмасдан туриб, барқарор хўжалик юритиш мумкин эмас. Чунки, чегараланган ресурслар шароитида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиб бериш маълум харажатлар билан боғлиқдир.

Шу муносабат билан республикамизда фермер ва дехқон хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини рағбатлантириш, давлат томонидан маълум қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ғоят муҳим масала ҳисобланади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар, жумладан, фермер хўжаликларининг сони тобора ортиб бормоқда. Бундай рақобат шароитида қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва неча гектар экин майдонига экиш ҳамда қандай нархларда сотиш ва натижада қайси ҳажмда фойда олиш масалалари фермер хўжаликларининг асосий муммомларидан бирига айланиб боради.

Ушбу кейснинг мақсади бўлиб, тингловчиларда корхона маълумотлари асосида ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштиришнинг иқтисодий-математик моделини яратиш, масаланинг миқдорий өчимини топиш ҳамда олинган натижаларни иқтисодий таҳлил қилиш бўйича малакаларни шакллантириш, таҳлил ва қарор қабул қилиш бўйича қобилиятларини ривожлантириш ҳисобланади.

Кейс билан ишлаш натижаси сифатида тингловчилар фермер хўжалигини ишлаб чиқариш субъекти эканлиги, унинг ички ва ташки ахборот алоқалари мавжудлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш, асосан ишлаб чиқариш ресурсларига боғлиқлиги ҳамда маҳсулотлар нархлари рақобат бозорида вужудга келишлари бўйича тасаввурларга эга бўладилар

Ушбу кейс аниқ иқтисодий шароитларнинг таҳлили, уларни иқтисодий-математик моделларини тузиш, моделлаштиришнинг барча босқичларида ахборотлардан мантиқий кетма-кетликда фойдаланиш бўйича малакаларга эга бўлишга хизмат қиласи. Ушбу кейсни ечиш бўйича олган билимлари тингловчиларга кейинчалик ўзларининг касбий фаолиятида мураккаб иқтисодий тизимларни таҳлил қилиш ва иқтисодий-математик моделлаштиришда асос бўлади.

## **1-кейс.**

### **“Илгор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги тўғрисида ахборот**

#### **1. Объект характеристики.**

“Илгор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисида” ги Конунига ҳамда республикамизда фермерликни ривожлантириш бўйича Президент Фармонлари асосида 2000 йилда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида ташкил этилган. “Илгор тараққиёт кафолати” фермер хўжалигининг асосий фаолият соҳаси бўлиб, маҳаллий бозорга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришдан иборат. Фермер хўжалиги сабзавот маҳсулотларини етиширишга ихтисослашган. Етиширилган маҳсулотлар бир қисмини чакана сотувчилар, қолган қисмини эса шартнома асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи ташкилотлар харид қиласидар.

Бугунги кунда мамлакатимизда қулай иқтисодий шароит натижасида қўплаб жисмоний шахслар иқтисодий фойда олиш мақсадида фермер хўжаликларини ташкил этмоқдалар. Фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалигининг бошқа турдаги корхоналаридан афзал томонлари шундаки, уларнинг экин майдонлари нисбатан кичикроқ (10-30 гектар), мураккаб техника ва технологиялардан деярли фойдаланилмайди, айрим ишларни қўлда бажариш, маҳсус қишлоқ хўжалик машиналарини ижарага олиш мумкин ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари эса анча паст.

Ҳозирги пайтда бозор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдирилган, фермер хўжаликларидан ташқари бозорга шахсий томорқа хўжаликларидан ҳам маҳсулотлар келтирилади. Бу эса фермер хўжаликлари, шахсий томорқа эгалари ва дехқон хўжаликлари ўртасида рақобатни кучайтиради. Бундан эса истеъмолчилар ютадилар, чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш истеъмолчи учун муаммо туғдирмайди. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса сабзавот маҳсулотларини харид қилиш учун савдо нуқталари етарли даражада – булар, дехқон бозорлари, қишлоқ хўжалиги ярмаркалари, турли павильонлар бўлиб, уларда айнан бир хилдаги маҳсулотлар сотилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мавсумий бўлганлиги учун, маҳсулот етишириш билан шуғулланувчи хўжаликлар сарф қилган харажатларини қоплаш ва маълум иқтисодий фойда олишлари учун ўзларининг бизнес-режалари ва ишлаб чиқариш стратегияларини кўриб чиқишилари лозим. Чунки, бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқарувчилар ўртасида вужудга келадиган рақобат, уларнинг бозордаги улушларини барқарор эгаллаб туришга ва ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини пасайтиришини талаб қиласидар.

Хўжалик фаолиятининг дастлабки йилларида “Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги ихтисослаштириш стратегиясидан фойдаланди. “Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги бозорда ўз эътиборини битта сегментга қаратди, яъни сабазовотлар ва помидор маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланди ҳамда бозорнинг бошқа сегментларини эгаллашга ҳаракат қилмади.

“Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги 2011 йилда банкрот бўлган бошқа “Чинор” фермер хўжалигининг ер майдонларини сотиб олди. Ушбу фермер хўжалиги эса картошка етиштиришга ихтисослашган эди. Ҳозирги вақтга келиб эса фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва сотиш бозорини кенгайтириш бўйича стратегиясини қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

Фермер хўжалигининг асосий мақсади, сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ички бозорга етказиб бериш ҳисобланади.

“Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалиги асосий сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- етиштирилаётган маҳсулотлар таннархини пасайтириш;
- аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш.

## **2. “Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалигининг ресурслари**

Фермер хўжалигининг 60 гектар экин майдонлари мавжуд. Аммо 2011 йилда туманда фаолият олиб бораётган “Чинор” фермер хўжалигининг банкротликка учрагани сабабли, ўтказилган тендерда ушбу хўжаликка тегишли бўлган 40 гектар ер майдонларини сотиб олди. Шу билан бирга собиқ фермер хўжалигига тегишли бўлган айrim ресурслар ҳам “Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалигига ўтказилди.

Фермер хўжалигига бугунги кунда 20 нафар ёлланма ишчилар фаолият олиб бормоқдалар. Улар бир йилда 240 кун меҳнат қиласидилар.

“Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги ўзининг балансида қишлоқ хўжалиги техникаларига эга бўлмаганлиги сабабли, тумандаги машина-техника паркидан турли хил қишлоқ хўжалиги машиналарини ижарага олиб, фойдаланиб туряди. Чунки, ўз балансида қимматбаҳо қишлоқ хўжалиги техникаларига эга бўлиш, хўжаликнинг анча маблағларини сарфланишига олиб келади.

Фермер хўжалигига минерал ўғитларга талаб 50 тоннани ташкил этади. Ушбу минерал ўғитлар тумандаги қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш ташкилотидан шартнома асосида сотиб олинади. Ҳар бир турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришга сарфланадиган минерал ўғитлар меъёрлари қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал). Минерал ўғитлар экинларга тракторлар ёрдамида берилади. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ерлар сугорилгандан сўнг, маълум вақт ўтгач, хўжалик аъзолари томонидан амалга оширилади.

“Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалигида 1 га экин майдонларига сарфланадиган минерал ўғитлар меъёрлари, (кг/га)\*

№	Экин турлари	1 га экин майдонига сарфланадиган минерал ўғитлар меъёрлари, кг/га
1	Картошка	120
2	Сабзи	30
3	Помидор	140
4	Карам	80
5	Бақлажон	30
6	Ошқовоқ	20
7	Бодринг	120
8	Пиёз	80
9	Лавлаги	70
10	Кўкатлар	25

\* Манба: “Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалигининг 2012 йилдаги хисоботлари асосида тузилган

### 3. “Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги mijozlari.

“Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалигининг асосий mijozlari бўлиб:

- вилоятдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар;
- Чиноз туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик цехлар;
- Чиноз туманида ички деҳқон бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи хусусий шахслар хисобланади.

### 4. Маҳсулот ишлаб чиқариш.

“Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Хўжаликдаги мавжуд чегараланган ресурслардан фойдаланиб, 10 турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Булар: картошка, сабзи, помидор, карам, бақлажон, ошқовоқ, бодринг, пиёз, лавлаги, кўкатлар.

Хўжаликда етиширилаётган маҳсулотларнинг ҳосилдорлиги ҳам турлича. Етиширилаётган маҳсулотлар агротехник қоидаларга риоя қилиб, етарли миқдорда суғорилса, уларнинг ҳосилдорлиги юқори бўлади (2-жадвал).

2-жадвал.

“Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги тўғрисида маълумот, ц/га

№	Экин турлари	Ҳосилдорлик, йиллар бўйича				
		2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
1	Картошка	180	130	145	167	200
2	Сабзи	110	140	130	120	160
3	Помидор	210	200	230	240	250
4	Карам	140	160	160	175	190
5	Бақлажон	80	60	100	105	120
6	Ошқовок	120	130	120	150	160
7	Бодринг	100	90	170	160	180
8	Пиёз	120	120	130	140	150
9	Лавлаги	170	180	200	210	250
10	Кўкатлар	30	25	35	40	40

\* Манба: “Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалигининг 2008-2012 йиллардаги ҳисоботлари асосида тузилган

Ушбу маҳсулотлар хўжаликнинг рақобатчилари томонидан ҳам ишлаб чиқарилади, шунинг учун соф рақобат бозори назариясига асосан, уларнинг нархи талаб ва таклиф асосида бозорда шаклланади.

## 5. Фермер хўжалигининг комплекс таҳлили

### a) Сотиш бозори таҳлили

Юқорида қайд этилганидек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мавсумий характерга эга ҳамда сотиш бозори соф рақобатга асосланган. Агар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш учун об-ҳаво шароити қулай келса, бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таклиф ортади, бундан эса маҳсулотларнинг нархи пасайиши мумкин.

Фермер хўжалиги “Мадад сервис” фирмаси билан хўжаликни комплекс таҳлил қилиш бўйича шартнома тузди. “Мадад сервис” фирмаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бозорини, хўжаликнинг ички ва ташқи имкониятларини баҳолаши ҳамда ушбу маълумотлар асосида хўжаликка ҳозирги вақтдаги реал ҳолатни аниқлаб бериши лозим.

“Мадад сервис” фирмаси томонидан ўтказилган бозор ҳолатини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотлари натижалари асосида “Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалигининг кучли ва кучсиз томонлари аниқланди. Бу эса хўжалик раҳбарининг келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозор талаблари асосида ишлаб чиқариш бўйича оптималь қарор қабул қилиш учун етарли аналитик восита бўлиб хизмат қиласди (1-чизма).



1-чизма. Хўжалик асосий бозорининг SWOT – таҳлили

### б) Рақобат таҳлили

Туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи бир неча фермер, дехқон хўжаликлари ва шахсий томорқа хўжаликлари мавжуд. Ушбу хўжаликлар ҳам маълум миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ички бозорга етказиб беради. “Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги ички бозордаги нархларга таъсир эта олмайди. Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори соғ рақобатга асосланган. Бундай шароитда бозордаги нархларга ишлаб чиқарувчилар ҳам, истеъмолчилар ҳам таъсир кўрсата олмайди. Шунинг учун бозорда вужудга келган нархларни фермерлар “ўрнатилган” деб қабул қиласидилар ва ишлаб чиқарган маҳсулотларини ушбу нархларда сотадилар.

Аммо, хўжалик Янгийўл туманида жойлашган “Янгийўл консерва комбинати” очиқ акциядорлик жамияти билан баъзи бир турдаги маҳсулотларни етказиб бериш бўйича олдиндан шартнома тузган. Булар асосан консерва маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган помидор, бодринг, карам,

бақлажон, ошқовоқ ва пиёз маҳсулотлари дир. Шартнома шартлари ўз вақтида бажарилса, хўжалик устама фойда олиши мумкин.

**в) Хўжаликнинг молиявий-иқтисодий ҳолати**

“Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги 2012 йилдаги фаолияти учун 240 млн. сўм даромад олди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар эса, яъни умумий харажатлар 170 млн. сўмни ташкил этди. Хўжаликнинг соф фойдаси 2012 йилда 70 млн. сўм бўлди. Олинган ушбу фойдани хўжаликнинг ўзи исталган йўналишда фойдаланиши мумкин.

**Мухокама учун саволлар ва топшириклар.**

1. Банкротликка учраган фермер хўжалиги ерини сотиб олиб “Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги тўғри йўл танладими?
2. “Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари билан кооперацияда ишлаши мумкинми?
3. Етиштираётган маҳсулотлардан ташқари фермер хўжалиги яна қандай фаолият билан шуғулланиши мумкин?
4. Фермер хўжалиги учун оптимал ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий-математик моделини тузинг.
5. Фермер хўжалиги учун оптимал ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ёйилган иқтисодий-математик моделини тузинг.
6. Масалани Excel дастурида ечинг ва оптимал режани аниқланган.
7. “Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги учун тақчил ва ортиқча ресурслар миқдорини аниқланг.
8. Хўжалик учун энг самарали қишлоқ хўжалик маҳсулотини аниқланг.
9. “Илғор тараққиёт кафолати” фермер хўжалиги учун ассортимент қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг янги стратегиясини ишлаб чиқинг.

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### 1.1. Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил иш муайян модулдан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини тингловчи томонидан ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштиришига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Мустақил ишни бажаришдан *асосий мақсад* – тингловчиларни модулни узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, олинган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, келгусидаги машғулотларга тайёргарлик кўриш, янги билимларни мустақил равишда излаб топиш кўникмларини ривожлантиришдан иборат.

Мазкур модул бўйича тингловчиларнинг мустақил ишини ташкил этишда қўйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- модул мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- семинар машғулотларига тайёргарлик кўриб бориш;
- белгиланган мавзулар бўйича ишланмалар тайёрлаш;
- тестлар ечиш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш бўйича кейслар ечиш;
- мунозарали саволлар ва топшириқларга тайёргарлик кўриш;
- кўргазмали воситалар тайёрлаш;
- ахборот ресурс марказида белгиланган мавзулар бўйича назарий, амалий ва статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва муайян тизимга солиш;
- белгиланган мавзулар бўйича замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тақдимот материаллари тайёрлаш.

## **1.2 Мустақил таълим мавзулари**

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун кўп омилли эконометрик модел.
2. Иқтисодий ўсишнинг адаптив эконометрик моделлари.
3. Макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларни прогнозлаш.
4. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва прогнозлаш.
5. Кобба-Дуглас модели ва интенсив иқтисодий ривожланиш.
6. Мебел маҳсулотларига бозор талаби ва таклифи модели.
7. Саноатда меҳнат унумдорлиги ва уни прогнозлаш.
8. Тижорат банклар самарадорлиги ва кредит бериш самарадорлиги.
9. Фермер хўжаликларининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари.
10. Экин майдонларининг оптимал структураси.
11. Экпорт ва импорт ҳажмини прогнозлаш.
12. Фоиз ставкаси ва пул таклифини муқобиллаштириш.

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Акция</b>	қимматбаҳо қофоз, у хиссадорлик жамиятини ривожлантиришга маблағ сарфланганлиги далолати бўлиб, унинг эгасига хиссадорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивиденд тариқасида олиш ҳуқуқуни беради.	the goods or merchandise kept on the premises of a business or warehouse and available for sale or distribution.
<b>Альтернатив харажатлар</b>	ресурслардан энг самарали фойдаланишдан воз кечиши натижасида йўқотилган имкониятлар билан боғлиқ харажатлар. Ёки иқтисодий танлов натижасида энг яхши альтернатив вариандан олинадиган фойдадан воз кечишни акс эттирувчи харажатлар.	an amount that has to be paid or spent to buy or obtain something
<b>Альтернатив харажатлар тамоили</b>	ноёб ресурслардан фойдаланиш йўналишларининг барчасидан олинадиган фойда ва харажатлар солиширилади ва энг юқори альтернатив харажатга эга бўлган вариант танланади.	(of an object or an action) require the payment of (a specified sum of money) before it can be acquired or done.
<b>Антимонополия қонунчилиги</b>	бозор муносабатлари эркин ривожланишини таъминлашга қаратилган меъёрлар ва қонунчилик хужжатлари тизими.	the system of rules that a particular country or community recognizes as regulating the actions of its members and may enforce by the imposition of penalties.
<b>Аралаш мулк</b>	муайян бир объектнинг турли мулкдорлар	he act, state, or right of possessing something

	иштирокида ўзлаштиришини билдиради.	
<b>Асосий фондлар</b>	ўзининг буюм шаклини ўзгартирган ҳолда хўжалик фаолиятида кўп марталаб фойдаланиладиган меҳнат воситалари.	assets that are purchased for long-term use and are not likely to be converted quickly into cash, such as land, buildings, and equipment
<b>Ассоциация</b>	хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрий бирлашмаси.	groups of individuals who voluntarily enter into an agreement to accomplish a purpose
<b>Бефарқлик эгри чизиғи</b>	бу истеъмолчи учун бир хил наф берувчи неъматлар комбинацияларини ифодаловчи чизикдир.	a line or outline that gradually deviates from being straight for some or all of its length
<b>Бизнес</b>	бу тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда, кишиларни фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир.	a person's regular occupation, profession, or trade
<b>Бозор</b>	бу сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича эркин муносабатлар тизими. Бозорлар ўз худудий масштабига кўра локал, миллий ва халқаро бозорларга бўлинади. Олди-сотди обьекти бўлиб, истеъмол товарлари, ресурслар, (меҳнат, капитал, ер, тадбиркорлик қобилияти, ахборот) ва хизматлар хисобланади.	a regular gathering of people for the purchase and sale of provisions, livestock, and other commodities
<b>Бозор инфратузилмаси</b>	маҳсулот (хизматлар) ишлиб чиқарувчини	the basic physical and organizational structures and

	истеъмолчи билан ягона бозор маконида бирлаштириб, ишлаб чиқариш ва истеъмол кўламлари ўртасидаги зиддиятли бартараф этувчи ва унинг барча иштирокчилари олдиларига қўйган мақсадларига эришишларини таъминловчи муассасалар ва воситачилик таркиблари тизими.	facilities needed for the operation of a society or enterprise
<b>Бозор мувозанати</b>	бозордаги талаб ва таклифларнинг микдоран ва таркибан бир-бирига мувофиқ келишидир.	state in which opposing forces or influences are balanced
<b>Бозор сегментацияси</b>	маълум белги-аломатлар ва савдо-сотиқнинг шарт-шароитларига қараб бозорни ҳар хил қисмларга ажратиш, табакалашдир.	each of the parts into which something is or may be divided
<b>Даромад</b>	тадбиркорлик ёки бошқа фаолият натижасида пул ёки натура шаклида олинадиган маблағлар.	money received, especially on a regular basis, for work or through investments
<b>Даромадни дисконтлаш</b>	сармоя сарфланган вактдан бошлаб даромад тушишидир.	the time spent on capital income fall
<b>Диверсификация</b>	ишлаб чиқаришни қўпдан-кўп, бир-бири билан боғланмаган турларини бир вақтда ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кенгайтириш.	production of many types associated with a one-time development, to expand the range of products
<b>Дивиденд</b>	хиссадорлик жамияти фойдасининг (солиқлар тўланиб, барча қарз берувчилар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейинги) хиссадорлар	Joint-stock company (taxes, debt settlement with suppliers) among shareholders in proportion to their shares in the hands of distributed

	ўртасида улар қўлидаги акцияларга мутаносиб тарзда тақсимланадиган қисми.	
<b>Дисконтлаш</b>	инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва танлаб олиш пайтида қўлланиладиган усул. Унинг моҳияти фирманинг турли вактлардаги инвестициялари ва пул тушумларини муайян даврга тўғрилаш ва кейин даромадлиликнинг ички меъёри – капитал харажатларнинг ўзини оқлаш коэффициентини белгилашдан иборатdir.	The method used in the evaluation and selection of investment projects. The essence of the firm's various investments of time and money inflows after a certain period and profitability internal regulations define a factor to justify the cost of capital
<b>Изоквантa</b>	бир хил ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш омиллари сарфлари комбинацияларини ифодаловчи эгри чизикдир.	providing the same amount of production that represents the combined factors of production costs for curves
<b>Изокостa</b>	умумий қиймати бир хил бўлган иккита ишлаб чиариш омили сарфларининг барча комбинацияларини ифодаловчи нуқталарни ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш харажатларини ифодаловчи чизик.	Production is equal to the total value of the two factors of all points representing combinations of the line representing the cost of production, including
<b>Инвестиция</b>	фойда олиш мақсадида сармояни бирор корхонага узоқ муддатли сарфлаш.	In order to take advantage of the capital to spend on a long-term enterprise
<b>Инфратузилма</b>	такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари мажмуи: транспорт, алоқа,	reproduction conditions of a set of production and non-production sectors: transport, communications, consulting, auditing, engineering

	консалтинг, аудит, инжиниринг.	
<b>Ижара</b>	мұлк әгаси - ижарға берувчи билан ижарага олувчи ўртасидаги шартнома бўлиб, ижарачи мулкни муайян тўлов ҳисобига тўла ёки қисман эгалик қилган ҳолда вактинча фойдаланиш учун олади, хўжалик фаолияти ёки бошқа мақсадларни мустақил амалга оширади. Амалда ижаранинг рентинг – қисқа муддатли, хайринг – ўрта муддатли ва лизинг – узок муддатли турлари мавжуд	the owner of the property - a contract between the landlord and lease, the tenant due to the payment of certain property owned in full or in part, for temporary use, carry out independent economic activities or other purposes. In practice, the tenant renting short-term, good medium-term and long-term leasing
<b>Ишлаб чиқариш</b>	бизнес корхоналарининг асосий фаолият тури бўлиб, бу жараён чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.	The main activities of business enterprises, this process is carried out with the use of limited resources
<b>Ишлаб чиқариш имконияти</b>	берилган технологик ривожланишда ва барча мавжуд ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланган ҳолда жамиятнинг иқтисодий неъматлар ишлаб чиқариш қобилиятидир.	technological development and the full and effective use of available resources and ability to adapt to the development of society and the economy
<b>Ишлаб чиқариш функцияси</b>	сарфланадиган ишлаб чиқариш омиллари микдори билан, ушбу омиллардан фойдаланган ҳолда максимал ишлаб чиқариладиган маҳсулот ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи математик боғланиш.	with the amount of the cost of production factors, in this case the link between the product produced using the maximum mathematical link

<b>Иқтисодий-математик усуллар</b>	бу комплекс иқтисодий ва математик илмий фанларнинг умумий номи бўлиб, улар ёрдамида иқтисодий жараёнларни ўрганиш воситалари ишлаб чиқилади.	this is the name of a complex of economic, scientific and mathematical sciences, economic production processes
<b>Иқтисодий ресурслар</b>	бу иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришда қатнашадиган элементлар (ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик қобилияти ва ахборот)	favor economic elements involved in the production (land, labor, capital, entrepreneurial skills and information).
<b>Иқтисодий ўсиш</b>	мамлакат миқёсида ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига йилдан-йилга барқарор ўсиб бориш жараёнидир.	the country's gross domestic product (GDP) per capita in the process of steady growth from year to year
<b>Кичик корхона</b>	«Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар тўғрисидаги Низом» га мувофиқ, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, юридик шахс ҳукуқларига эга бўлган мустақил хўжалик субъекти кичик корхона ҳисобланади.	the country's gross domestic product (GDP) per capita in the process of steady growth from year to year
<b>Классификация</b>	жараён ва ҳодисаларни маълум бир белгилар ва хусусиятлар бўйича ажратиш.	process and the allocation of a specific character and features of the events.
<b>Концепция</b>	маълум бир муаммони ёки вазиятни ҳал этиш ҳамда ривожлантиришга қаратилган нуқтаи назарлар тизими.	designed to solve a specific problem or situation and viewpoints.
<b>Конъюнктура</b>	бозор механизми шароитларида ривожланишнинг	forms of development in the conditions of the market mechanism and the laws of

	қонуниятли шакллари давлат томонидан тартибга солиниши ва рақобатнинг, истеъмолчилар, корпорациялар ҳамда давлат муассасалари ва корхоналари томонидан қарор қабул қилишдаги мутақиилликнинг мувозанати билан белгиланувчи жараёнлар: муайян иқтисодий фаолият омиллари ва шартшароитлари йигиндиси.	competition and regulation by the state, consumers, corporations and public institutions and enterprises of the decision making process determined by the balance of mutaqillikning: the sum of the specific economic factors and conditions
<b>Математик моделлаштириш</b>	ўрганилаётган жараёнларни математик тенгламалар ва тенгсизликлар кўринишида ифодалаш усулидир.	method of studying the processes of mathematical equations and inequality represented.
<b>Материаллар</b>	ишлиб чиқариш жараёнида тайёр маҳсулотга айланадиган ҳар қандай моддий буюмлар	the production process into a finished product in any material goods.
<b>Мехнат унумдорлиги</b>	корхонада бита ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми.	enterprise hard worker the right product.
<b>Модел</b>	ўрганилаётган жараённи кичиклаштирилган ҳолда, график, расм, макетлар кўринишида ўрганишга айтилади.	study the process in a smaller size, graphics, images, layouts view, the study said.
<b>Молия бозори</b>	бу молия маблағларини вақтинча ҳақ тўлаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан бўлган муносабатлардир.	To use this funding to temporarily pay or buy them on the relationship.
<b>Молиявий бизнес</b>	бу тижорат фаолиятининг алоҳида тури бўлиб, савдо-сотиқ обьекти	This type of commercial activity that is the subject of trade goods - money,

	бўлиб алоҳида хусусиятга эга бўлган товар - пул, валюта, қимматбаҳо қофозлар (акция, облигация, вексел ва бошқалар) ҳисобланади.	foreign exchange and securities (stocks, bonds, promissory note, etc.).
<b>Мувозанат</b>	бу тизимнинг шундай бир ҳолатики, агар унга бирор бир ташки куч таъсир этмаса, у ўзининг ушбу ҳолатини сақлаб қолади.	This system is in such a condition, if a foreign power does not affect his status.
<b>Мувозанат нарх</b>	бу шундай нархки, бу нархда бозорда таклиф қилинадиган неъмат миқдори, унга бўлган бозордаги талаб миқдорига тенг.	favor is that the price offered in the market price of this amount, equal to the amount of demand in the market.
<b>Нафлик</b>	бу неъматнинг инсон эҳтиёжини қондира олиш хусусияти.	needs the blessing of this human characteristic.
<b>Неъматлар ноёблиги</b>	бу бирор товар ёки ресурс ҳажмининг маълум вақт оралиғида чегаралангандигидир.	This time the volume of a commodity or resource range.
<b>Омиллар маҳсулдорлигининг камайиш қонуни</b>	бирор бир ишлаб чиқариш омилидан фойдаланиш ошиб борганда (бошқа омиллардан фойдаланиш ўзгармаганда), шундай бир нуқтага эришиладики, ушбу нуқтадан бошлаб кўшимча ишлатилган омил ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиради.	When you go to an increased use of production factors (changes in other factors) and achieved such a point, the point is used to reduce the size of the factors of production.
<b>Оптималлаштириш тамоили</b>	ҳар бир фаолиятдан ва ресурслардан фойдаланишда максимал фойда олиш	each of the activities and resources to get the maximum benefit
<b>Оптималлик</b>	бу мавжуд тақчил ресурслардан фойдаланиш бўйича энг самарали (қулай) вариантдир.	This is the most efficient use of scarce resources (easy) options.
<b>Рақобат</b>	бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирма ва	a product manufacturer companies and economic

	корхоналарнинг иқтисодий мусобақаси.	competition.
<b>Регрессион таҳлил</b>	бу икки ва ундан ортиқ омиллар ўртасида математик боғланишларни аниқлаш усулидир.	between two or more factors of mathematical methods of communication.
<b>Регрессия</b>	бир неча нуқталар бўйича эгри чизиқни аниқлашдир.	to determine the number of points on the curve.
<b>Режа</b>	бирор натижага эришиш учун олдинда белгилаб олинган схемага асосан босиқичма-босқич ҳаракат қилиш жараёнидир.	a few points on the curve is determined to achieve results aniqlashdir.biror ahead contestant in accordance with the scheme-by-step process.
<b>Ресурслар</b>	бу иқтисодиётдаги ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган барча заҳиралар ва технологик омилларнинг реал оқимларидир.	this is used in the production of the economy, social resources, and technological factors on the real flow.
<b>Ресурслар ноёблиги</b>	бу бирор товар ёки хизматни маълум вақт оралиғида чегараланганлигидир.	This is a commodity or service in a certain period of time chegaralanganligidir
<b>Система</b>	бу ўзаро боғлиқ элементлар тўплами.	This set of interrelated elements
<b>Синтез</b>	тизимда фаолият қилаётган элементларни бир бутунга бирлаштириб ўрганувчи усулдир.	there is a whole learning method that combines elements.
<b>Соф монополия</b>	бу битта сотувчи ва кўп харидорлар қатнашадиган бозор, ёки ўрнини босадиган товар бўлмаган товарни сотадиган ягона сотувчи бўлган бозор вазияти, ёки тармоқдаги ягона ҳукмрон фирма.	this is only one seller and many buyers will participate in the market, or substitution of goods not only sell goods market situation, or a single dominant firm in the industry.
<b>Тадбиркорлик фаолиятининг уч тури</b>	1) янги товар ёки хизмат лойиҳасини ташкил этиш. Тадбиркорликнинг бу тури билан интеллектуал мулк эгалари, инновация	1) the creation of a new product or service project. The owners of the intellectual property of this type of business is engaged

	тадбиркорлари шуғулланади; 2) товар ишлаб чиқарышни ташкил этиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар; 3) товарни сотиш, қайта сотиш ва тижорат ишларини ташкил этиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар.	in the business of innovation; 2) entrepreneurs engaged in the production of goods; 3) the sale of goods, re-engaged in the organization of sales and commercial businesses
<b>Тахлил</b>	ўрганиладиган объектларни ташкил этувчи элементларга бўлувчи, уларнинг ўрни ва ролини тушунтириб берувчи, шу билан бирга тизим таркибини аникловчи усулдир.	constituent elements of the objects studied, explaining their place and role in the system, with the method for determining the structure of the system.
<b>Тез ўсувчи корхоналар</b>	тезроқ кичик бизнес чегарасидан чиқиб, мустақил ривожланишини хоҳловчи корхоналар. Тез ўсувчи корхоналар кичик бизнес корхонаси бўлиб, улар тезкор ўсиш тенденциясига ва қўйилган сармоянинг юқори қайтимлигига хисобланади.	quickly out of the limits of small businesses wishing to develop independent businesses. A fast-growing enterprises, small businesses, which are the trend of rapid growth and investment in change.
<b>Технология</b>	бу товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги амалий билимлардир.	this practical knowledge on the production of goods and services.
<b>Тижорат банки</b>	саноат, савдо ва бошқа корхоналарни тижорат (ҳак тўлаш) асосида кредитлаш, ҳисоб-китоб ва маблағ билан таъминлашни амалга оширувчи банк.	Industry, trade and other commercial enterprises (payment) lending, settlement and the provision of funds to the bank.
<b>Тизим таркиби</b>	бу элементлар таркиби ва уларни бирлаштириш усулларидир.	The structure of these elements and ways to combine them.
<b>Транзакцион харажатлар</b>	бу товар алмашиш соҳасидаги харажатлардир. Бу тушунча 1937 йилда	in the field of exchange of trade bills. In 1937, this concept was first introduced

	биринчи бўлиб Р.Коуз томонидан киритилган. Трансакцион харажатлар ўз ичига қуидаги харажатларни олади: ахборот олиш, ўзаро келишув ва учрашувлар билан боғлик харажатлар, товарлар хусусиятини аниқлаш билан боғлик харажатлар, мулк хуқуқини ҳимоя қилиш ва бошқалар.	by R.Kouz. Transaction costs include the following costs: the costs related to the meeting and by mutual agreement, the costs associated with the characteristics of the goods, the protection of property rights and others.
<b>Узок муддатли оралиқ</b>	фирмаларнинг барча ишлаб чиқариш ресурсларини ҳажмини ўзгартира оладиган вақт оралифидир.	All of the companies change the size of the production resources of time.
<b>Умумий харажат</b>	қисқа муддатли оралиқда маълум миқдорда махсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ўзгармас ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиши	short-term counts are used to produce a certain amount of product the sum of the fixed and variable costs
<b>Фан-техника тараққиёти</b>	бу ишлаб чиқаришда фан ва техника эришилган сўнгги ютуқларни қўллаш жараёнидир.	recent developments in science and technology in the production of this process.
<b>Фирма</b>	ишлаб чиқариш ресурслари эгаларининг қарорларини ва манфаатларини мувофиқлаштирувчи институционал тузилма.	coordination of the interests of the decisions of the owners of production resources and institutional structures.
<b>Фойда</b>	умумий даромаддан умумий харажатларни чегириб ташланган қисми.	part of the total income after deduction of the general expenses.
<b>Фьючерс</b>	олдиндан белгиланган нархларда маълум миқдордаги товарларни келажакда маълум кунда етказиш учун тузилган муддатли шартнома.	a certain number of pre-determined prices for the future delivery of commodities-term contract.

<b>Чекли даромад</b>	кўшимча бир бирлик маҳсулотни сотиш натижасида умумий даромаднинг ўсган қисми.	In addition to a single product to sell part of the total income grew as a result.
<b>Чекли маҳсулот</b>	ўзгарувчан ресурслар комбинациясини кичик микдорда қўшимча сарфи хисобидан умумий маҳсулотнинг ўсган қисмидир.	changing due to the combination of a small amount of extra consumption of resources is part of the total production grew.
<b>Чекли нафлик</b>	бу нафлик функциясидан бирор бир неъмат ўзгарувчиси бўйича олинган хусусий ҳосиладир.	a gift to offer this function in a variable is private harvest.
<b>Чекли нафликнинг камайиш қонуни</b>	бу бирор бир неъматдан ҳар бир бирлик қўшимча истеъмол (бошқа неъматлар истеъмоли ҳажми ўзгармаганда) олдингисига нисбатан камроқ наф беришидир.	This is a favor for each additional unit consumed (change the size of the consumption of other goods) less than the previous one will make concessions.
<b>Чекли харажат</b>	ишлаб чиқариш ҳажмини кичик микдорга (одатда бир бирликка) ошириш билан боғлиқ бўлган қўшимча умумий харажат.	production capacity by a small amount (generally a union) related to the total cost.
<b>Четланиш</b>	бу ҳақиқий натижа билан кутиладиган натижа ўртасидаги фарқ.	This is the difference between the actual results and the expected results.
<b>Эластиклик</b>	бирор ўзгарувчининг бир фоизга ўзгариши натижасида бошқа бир ўзгарувчининг маълум фоиз микдорга ўзгаришини кўрсатувчи сондир.	As a result of a one percent change in the variable a variable percentage change in the amount of logs.
<b>Экзоген ўзгарувчилар</b>	ташки ўзгарувчилар бўлиб, улар олдиндан берилади ва моделга киритилади.	external variables, which are given in advance and included in the model.
<b>Эндоген ўзгарувчилар</b>	модел ичида, хисоб-китоблар асосида шаклланувчи ўзгарувчилар.	model in the calculation of the variable.

<b>Үзгармас харажат</b>	бу қисқа муддатли оралиқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлик бўлмаган харажатdir.	This short-term counts are not related to the size of the production costs.
<b>Үзгарувчан харажат</b>	маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлик бўлган харажат, яъни маҳсулот ҳажми ошганда ёки камайганда ўзгарадиган харажат.	production cost, which depends on the size of the change exceeds the volume of that product or reduce costs.
<b>Ўртача даромад</b>	сотилган бир бирлик маҳсулотга тўғри келувчи даромад ёки пул тушуми.	selling a single product, on a revenue or income.
<b>Ўртача маҳсулот</b>	умумий маҳсулотни ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган ўзгарувчан ишлаб чиқариш омиллари сарфига нисбатига айтилади.	a common product used for the production of said variable factors of production usage ratio.
<b>Ўртача ўзгармас харажат</b>	бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгармас харажат.	in a single product like a fixed cost.
<b>Ўртача ўзгарувчан харажат</b>	бир бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажат.	a unit of production of the product corresponding to variable costs.
<b>Қисқа муддатли оралиқ</b>	бу шундай вақт оралиғики, фирма бу оралиқда фаолият кўрсатганда, у ишлаб чиқариш омилларидан камида биттасининг ҳажмини ўзгартира олмайди.	This time oralig'iki companies operating in this range, it does not change the size of the at least one of the factors of production.
<b>Хаётни таъминловчи корхоналар</b>	ўсиш учун чекланган имкониятларга эга бўлган ўта кичик корхоналар.	small businesses with limited opportunities for growth.
<b>Хукуқий шахс</b>	алоҳида мол-мулкка эга бўлган корхона (ташкилот) бўлиб, ўз номидан мулкий ва шахсий мулкий хукуқларни олиши ва масъулиятли бўлиши, судда даъвогар ва	a special property of the enterprise (organization), on behalf of their property and private property rights, and to be responsible, the plaintiff and defendant in court. Bank accounts will be

	жавобгар бўлиши мумкин. Банкда ҳисоб ракамига эга бўлади ва мустақил баланс юритади.	able to operate independently of the balance.
--	-----------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Махсус адабиётлар

1. Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied Econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. New York, N.Y. Palgrave Macmillan, 2007. -410 p.
2. Econometrics Bruce E. Hansen 2016 University of Wisconsin Department of Economics. This Revision: January 14, 2016
3. Econometrics Streamlined, Applied and e-Aware Francis X. Diebold University of Pennsylvania Edition 2016 Version Thursday 17th March, 2016.
4. Introductory Econometrics A Modern Approach F i f th Edition Jeffrey M. Wooldridge Michigan State University, 2013.
5. Fumio Hayashi: Econometrics is published by Princeton University Press and copyrighted, © 2000, by Princeton University Press, 2014.
6. Introductory Econometrics, A Modern Approach, 4e, Jeffrey M. Wooldridge Michigan State University, 2014.
7. Introductory Econometrics for Finance SECOND EDITION Chris Brooks The ICMA Centre, University of Reading, 2015.
8. Замков О.О. и др. Математические методы в экономике: Учебник.- М.: Изд-во «Дело и сервис», 2009.
9. Количественные методы в экономических исследованиях: Учебник для вузов / Под ред. Ш.В.Грачевой, М.Н. Фадеевой, Ю.Н. Черёмных.- М.: ЮНИТИ -ДИАНА, 2010.
10. Эконометрика. Учебник /Под. ред. И.И. Елисеевой.- М.: Финансы и статистика, 2010.
11. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Основы экономического анализа. -М.: ЮНИТИ, 2009.
12. Попов Л. А. Анализ и моделирование: Учебник. -М.: Финансы и статистика, 2008.
13. Кремер Н.Ш. Эконометрика: Учебник. /Под. ред. Н.Ш.Кремера. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.
14. Доугерти К. Введение в эконометрику. -М.: ЮНИТИ, 2006.
15. Замков О.О. Эконометрические методы в макроэкономическом анализе. - М.: ДиС, 2010.
16. Замков О.О. Математические методы и модели. -М.: ДиС, 2008.
17. Горбунов В.К Математическая модель потребительского спроса. М.: Экономика, 2004.
18. Экономико-математические методы и прикладные модели. Учебное пособие. /Под ред. В. В. Федосеева. -М.: ЮНИТИ, 2010.
19. Федосеев В.В., Гармош А. и др. Экономико-математические методы прикладные модели: Учебное пособие для вузов.- М.: ЮНИТИ,2009.
20. Росленский В.З. Количественный анализ в моделях экономики. Лекции для студентов. -М.: Эконом. факуль. МГУ, ТЕИС,2009.
21. Дубров А. М. Моделирование рисковых ситуаций в экономике и бизнесе.

Учебное пособие.. -М.: ФиС, 2008.

22. Монахов А.В. Математические методы анализа экономики: Учебное пособие. -СПб: ПИТЕР, 2008.

23. Боровиков В.П. Прогнозирование в системе STATISTICA в среде Windows. Основы теории и интенсивная практика на компьютере: Учебное пособие. /В.П.Боровиков, Т. И.Ивченко. -М.: ФиС, 2008.

24. Кулинич Е.И. Эконометрия. -М.: Финансы и статистика, 2-переработанное и переизданное,2010.

25. Магнус Я.Р. Эконометрика: Начальный курс. -М.: Дело, 2008.

## **II. Интернет ресурслар**

1. www.gov.uz
2. www.mf.uz
3. www.naaba.uz
4. www.lex.uz
5. www.norma.uz